


"...Асқад Мухтор китобларини бот-бот varaқлаб тураман. "Туғилиш", "Давр менинг тақдиримда", "Бўронларда бордек ҳаловат", "Чинор", "Бухорининг жин кўчалари", "Жар ёқасида чақмоқ"... Миқёс ва теранлик, маҳорат даъвоси эмас, асл маҳорат намуналари! Яқинда "Аму" романини яна кўлга олдим. Уша давр сиёсий мавзуларида ёзилган, адиб ижодида бирмунча камписандроқ ҳисобланган шу асарни қайта ўқиб, хайратга тушдим..."



(6-саҳифада ўқинг!)

ТАҚДИМОТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АСОСЧИСИ



Ушбу китоб Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, таниқли сиёсатшунос, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг "Менинг Президентим" ва "Миллатпарвар" китоблари асосида озарбайжонлик таниқли ижодкор Акиф Бағиров ҳамда адабиётшунос Яшар Қосим томонидан тайёрланган.

Тақдимот аввалида бир қатор озарбайжонлик таниқли сиёсатчи ва зиёлилар билан суҳбат қуриш имконига эга бўлди. Улар ушбу китоб тақдимотининг Бокуда ўтказилаётгани ҳам халқларимизнинг бир-бирига яқинлиги, ўзаро дўстлик ришталари мустақамланиб бораётганидан далолат эканини алоҳида таъкидлашди.

– "Шавкат Мирзиёев феномени" китоби таржимасига катта масъулият билан ёндашдик. Бу жараёнда ҳар бир сўз устида маслаҳатлашдик, – дейди Яшар Қосим. – Биз Қудратилла Рафиқов китобларининг ўзига хос тили ва услубини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик. Озарбайжонлик ўқувчилар мазкур китоб орқали Янги Ўзбекистонни янада яқинроқ билиши, унинг асосчиси ва бунёдкори бўлган Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ватан ва Миллат истиқболи йўлида амалга ошираётган ишлари ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлиши мумкин.

(Давоми 2-саҳифада.)

Боку шаҳридаги Озарбайжон Миллий кутубхонасида "Шавкат Мирзиёев феномени" китоби тақдими бўлиб ўтди. Ҳар жиҳатдан юқори даражада ташкил этилган тадбирда Озарбайжон парламенти вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати ҳамда юртимиз делегацияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ФАН РАВНАҚИ



"РАҚАМЛАР ОЛАМИГА АСИРМАН"

Фанлар маликаси ҳисобланган математика ҳамма соҳага бевосита ва билвосита дахлдор. Кимдир математика билан бошини оғритгиси келмас, яна биров уни ўта қийин фан деб ҳисоблар, лекин ҳеч ким ундан холи яшай олмайди. Чунки ҳаётимизнинг ўзи ўлчову ҳисоб-китоблардан иборат. Ўн саккиз минг олам математик қонунлар билан собит турибди. Уни коинот тили десак, муболага бўлмайди. Шеърда бугунлар сони, муסיқада етти нота алмашинови натижасида куй яралишида ҳам математика бор.

Бугунги суҳбатдошимиз фан ва техника йўналишида I даражали Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор, TWAS Бутунжаҳон фанлар академияси аъзоси Баҳром Омиров. У қатор халқаро мукофотлар совриндори ҳамдир. Америка ва Ўзбекистон математика жамияти аъзоси. Юздан зиёд мақолалари дунёнинг нуфузли нашрларида чоп этилган. Ҳозирда у Хитойдаги дунёнинг топ 300 талигига кирувчи Ҳарбин технология институтиди профессор бўлиб ишлаяпти.

– Математика – бир қарашда аниқ, бир қарашда сирли фан. Бу фан оламида сизни хайратлантирган нарса нима?

– Биласизми, бу оламнинг ўзига яраша жазбаси, оҳанрабоиси бор. Рақамлар дунёсига бир кириб қолдингизми, таом, улар сизни шундай домига тортиб кетадики, чиқиб кетишингиз амримаҳол. Шунанга чиройли, қизиқарли мисоллар борки, ечганинг сари маза қиласан киши. Бундай олиб қарасак, бирор теоремани исботлай олсанг, бошқалар ҳис этмаган нарсани ҳис қилгандай, улар англаб етмаган ҳақиқатнинг тагига етгандай бўласан, зўр-ку.

Бир ҳолатни эслаб ўтмоқчи эдим, бундан анча йил бурун Францияда илмий сафардалигимда, ўша ерлик ҳамкасблар қизиқ мисолни кўрсатиб, "шунини еча оласизми?" деб сўраб қолишди. "Ҳаракат қиламан", деб сўз бердим. Ечимни топишга шўнғиб кетдим, икки йил деганда топдим ҳам. Энди шу жумбоқнинг жавобини топганимда кўнглимдан кечган ҳиссиётларни сизга

таърифлаб беролмайман. Илм шундай нарсаки, бир йил, икки йил азобланасан, тунни тонга улайсан, еган-ичганингда ҳаловат бўлмайди, сўнг ечим топилади, унинг таъсирида бир ой осмонда учиб юрасан ва кейин яна бошқатдан ўзингни ўша ширин азобга ташлайсан.

Бир ишни бошлаб, ечимини топгунимча суткасига 16 соатлаб ишлаган пайтларим бўлган, лекин ҳеч чарчоқ сезмаганман. Аспирант, докторант шогирдларим билан шуғулланаётганимизда гўзал, айрича мисолларни танлашга ҳаракат қиламиз. Гарчи, адабиётчи бўлмасак-да, "жозибадор рақамлар", "ғаройиб мисоллар", "қоийлақом натижа" деган ибораларни қўллаймиз. Масалан, шогирдимга саволим бўлса, "Қани, фикрингни эшитаман", деб эмас, "Фикрларинг парвозини намойиш эт", дея мурожаат қиламан.

У кутганимдек жавоб бера олмасан, жуда пастлаб учяпсан, мени хайрон қолдира олмадинг, дейман.

(Давоми 2-саҳифада.)

СУҲБАТ

"ЖАДИДЛАР МЕРОСИГА МЕҲРИМ ЎЗГАЧА"

Япониялик таниқли жадидшунос олим Ҳисао Коматцу билан суҳбат

– Ўзбек адабий-илмий муҳити, хусусан, жадид адабиёти тадқиқотчиларига Ҳисао Коматцу исми шарифи яхши таниш. Сиз ўтган асрнинг 20-йилларида ўлкамизда ҳукм сурган адабий-маданий муҳит ҳамда вақтли матбуот ривожини устида жиддий тадқиқотлар олиб боргансиз.

Японияда ўзбек адабиётининг шундай куюнчак тадқиқотчи ва тарғиботчиси борлигидан жуда хурсандмиз. Айтинг-чи, сиз ўзбек тили ва адабиётини қачон ўргана бошлагансиз? Бизнинг адабиётимизга меҳр-муҳаббатингиз сабабларини қандай изоҳлайсиз?

– Мен ҳақимдаги самимий фикрларингиздан миннатдорман. Аслида, Японияда ўзбек маданияти ва маърифий меросига қизиқадиган олимлар кўпчиликини ташкил қилади. Масалан, профес-



сор Эйже Мано "Бобурнома" асари билан боғлиқ тадқиқотлари билан яхши танилган.

Ўзимга келсак, университетда ўқиб юрган пайтларимдаёқ Ўрта Осиё тарихини ўргана бошладим. Бизда аввалдан Японияда Хитой тарихи бўйича жуда яхши тадқиқотлар олиб борилгани ҳолда, Ўрта Осиё тарихи, хусусан, бу ҳудуднинг XIX асрдан кейинги ҳаёти умуман ўрганилмаган эди.

(Давоми 7-саҳифада.)

ИБРАТ

ЁШЛАРГА ЕЛКА ТУТГАН УСТОЗ

Бугуннинг муаммолари кўп. Лекин эртанинг муаммолари янаям кўп бўлади. Бу – ҳаёт қонуни. Унга қарши бориб бўлмайди. Бироқ юртимизда фозил жамият қурмоқни ният қилиб, шу йўлда катта ислохотлар бошлаган эканмиз, яна бир жуда оддий ҳақиқатни ҳам тан олишимиз даркор. Яъни, эртанинг муаммоларига биз – бугуннинг одамлари эмас, келажак авлодлар дуч келишини ҳисобга олиб, ёш авлодни келажакка ҳозирдан тайёрлашни йўлга қўйишимиз шарт.

(Давоми 2-саҳифада.)



ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

БОРЛИҚ – БАШАРИЯТ МУЛКИ

УНИ АСРАШ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ



Таниқли экожурналист Наргис Қосимова билан суҳбат

– Наргис опа, келинг, суҳбатимизни экожурналистика соҳасига кириб келишингиздан бошлаймиз. Айтинг-чи, нега айнан шу соҳани танлагансиз ва экожурналистикани бугунги кун учун қанчалик муҳим деб биласиз?

– Болалигимдан уй ҳайвонларини, қушлар ва дарaxтларни жуда яхши кўраман. Бир мен эмас, оила аъзоларимизнинг ҳаммаси жониворларвар эди. Биз кўчада жароҳатланган ит, мушук борми, ёки қанотига нимадир бўлган

қуш борми, уйга кўтариб келардик ва травматолог шифокор бўлмиш отам уларни даволарди. Ана шу жониворларнинг аксарияти бизнинг ҳовлимизда яшаб қоларди. Уйимизга келган одам ўзини ҳайвонот боғига тушиб қолгандай ҳис қиларди.

Мен ветеринар бўлмоқчи эдим. Лекин отам бу касбни танлашимга рўйхушлик бермади. Шундан сўнг журналистика соҳасини танладим.

(Давоми 5-саҳифада.)

КҮН МАВЗУСИ

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мактабларда муסיқа маданияти, жисмоний тарбия ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанларини ўқитиш сифатини ошириш бўйича қабул қилган қарорлари соҳада туб ислохотларни бошлаб берди. Мухбиримиз Мактабгача ва мактаб таълими вазири ўринбосари Фарҳод Боқиев билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

– Қабул қилинган қарорларда учта фанни ўқитиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунга зарурат нимада эди?

– Албатта, бу бежиз эмас. Бир қараганда бу уч фаннинг бир-бирига алоқаси камдек. Лекин уларнинг "ичига" кирсак, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканини кўраемиз. Муסיқа қалбга, жисмоний тарбия танга, ҳарбий таълим руҳга кудрат беради. Демак, улар бир-бирини тақозо қилади.

Буюк юнон файласуфи Арасту "Муסיқа ахлоққа таъсир қилади. Шундай экан, уни, албатта, ёшларни тарбияловчи фанлар рўйхатига киритиш лозим", деган эди. Биласиз, ёшлар – ҳар қандай мамлакатнинг эртаси, куч-қудрати, ишонган тоғи саналади. Улар қорувли, ёвқур, жисмонан бақувват, руҳан ва маънан соғлом, билимли, жасур бўлса, эл-юртнинг келажаги ҳам ёруғ ва фаровон бўлади.

Бугун дунё шиддат билан глобаллашмоқда. Бундай шароитда ёшларни тарбиялаб, уларда ёт гоёларга иммунитет пайдо қилиб, қалбини санъат, жисмини машқ, руҳини ватанпарварлик ҳисси билан тўлдириш биз, катталарнинг зиммасида.

– Халқда "Болам тошбағур бўлмасин, десанг, унинг кўлига дутор бер", деган нақл бор...

– Худди шундай. Муסיқанинг инсон руҳига ижобий таъсири ҳақида Абу Райҳон Беруний, Фахриддин Ар-Розий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларимиз кўп ва хўб ёзишган. Шарқнинг буюк мутафаккирлари муסיқани гўдак руҳиятига таъсир этувчи самарали воситалардан бири деб билган.

(Давоми 3-саҳифада.)



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН АСОСЧИСИ



Бошланиши 1-саҳифада.

Тақдимотни Озарбайжон Матбуот кенгаши раиси Рашад Межид бошқарди. Анжуманда Кавказ мусулмонлари идораси раиси Оллоҳшукр Пошшоода, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси Анар, Озарбайжон Миллий илмлар академияси президенти Иса Ҳабиб-бейли, мамлакатимизнинг Озарбайжондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафонов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, "Ишонч" газетаси бош муҳаррири Хусан Эрматов ва бошқалар қардош озар халқида катта қизиқиш уйғотган мазкур китоб хусусида сўз юритдилар.

"Шавкат Мирзиёев феномени" китобидан ўрин олган турли мавзудаги таҳлилий очерклар ва қизиқарли эсселарда давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгариш ва янгиликлар, жумладан, иқтисодий ривожланиш, инфратузилмани модернизация қилиш,

ижтимоий соҳани яхшилаш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустақамлаш каби масалалар ёритилгани алоҳида таъкидланди.

Чиндан ҳам ушбу китоб Янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотларига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишининг юртимиз ҳақидаги тасавурларини янада бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбир якунида "Шавкат Мирзиёев феномени" китоби таржимонларининг икки давлат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни мустақамлашга қўшаётган ҳиссаси эътироф этилиб, улар муносиб тақдирланди.

Тақдимот иштирокчилари Озарбайжон Миллий кутубхонасида ташкил этилган Ўзбекистон бурчагидаги адабиётлар билан яқиндан танишдилар.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б.

Боку шаҳри

Бошланиши 1-саҳифада.

Инсоннинг келажакни ўйлаб олдинга қўядиган энг катта ва тўғри қадами фарзандларига кучли билим ва тўғри тарбия беришдир, деган аксиома бор. Шу фикрни давлатга, жамиятга нисбатан ҳам татбиқ қилса бўлади. Усиб келаятган ёш авлоднинг кучли билим ва миллий менталитетимизга мос тарбия билан қуроллантирсак, жамиятимизнинг эртанги кунидан беҳавотир бўлади.

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган Мирзо Улуғбек жамғармаси Учинчи Ренессанс оstonасида турган Ўзбекистоннинг шу асосий эҳтиёжига жавоб тарзида ташкил этилган. Жамғарманинг асосий мақсадларидан бири ёшларнинг муҳим ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларни илмий-техник, инновацион фаолиятга кенг жалб қилишдан иборат. Шу аснода чекка ҳудудларда



лари билан тақдирланди. Шу тариқа энг инновацион лойиҳа ва гоё муаллифлари кашф этилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Муҳими, ёшлар ёлғиз эмаслигини, ҳаракат қилса, ортида

Жамғарма ташкилотчилиги ва шафелигида ўтказилган "Янги Ўзбекистонга қанот бўлайлик" мавзусидаги иншоолар танлови, "Ҳаваскор "Заковат"чилар" интеллектуал мусобақаси

ЁШЛАРГА ЕЛКА ТУТГАН УСТОЗ

истиқомат қилаётган йигит-қизларнинг билим ва кўникмаларини ошириб, уларнинг инновацион ғояларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш, пировард натижада иқтидорли ёшлар учун ижтимоий лифт вазифасини ўташга жиддий эътибор қаратилади.

Соддароқ айтганда, мазкур жамғарма ёшларнинг кўнгилни ўстириш ва уларни қаршида ҳамма йўллар очиб кетганига ишонтириш учун ташкил этилган. Жамғарма ёшларга ҳам моддий, ҳам маънавий тиргак вазифасини ўтайди. Жорий йилда ўтказилган "Мирзо Улуғбек ворислари" танловида нуфузли комиссия томонидан туманларнинг ҳар биридан 5 нафардан, вилоят босқичида ҳар бир вилоятдан 20 нафардан ҳамда республика босқичида 100 нафар, жами мингга яқин голиб аниқланди. Уларнинг барчаси моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб, сертификат ва эсдалик совға-

қўлловчилари борлигини ҳис қилишди, шунга ишонч ҳосил қилишди.

Улуғбек жамғармаси, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ҳамкорлигида замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ахборот технологиялари соҳасида "Мирзо Улуғбек ворислари" деб номланган тайёрлов ўқув курслари ташкил этилган ҳам ёшларга яратилган яна бир имконият ўлароқ қабул қилинмоқда.

Кези келганда олис ҳудудлардаги мактаб ўқувчиларининг билимини янада мустақамлаш мақсадида "Мирзо Улуғбек" онлайн мактаблари ташкил этилгани, уларда мамлакатимизнинг кимё, биология, инглиз тили ва математика фанларидан энг кучли мутахассис ва олимлари онлайн дарс бераётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

ҳамда янги ташкил этилган "Тараққиёт" илмий-амалий журналининг фаолияти ҳам мамлакатнинг келажакни таъмин этадиган ёш истеъдодларни кашф этишга йўналтирилган.

Бу каби келажакни кўзлаган ишлар бошида турган киши – катта билим ва бой ҳаётий тажрибага эга тажрибали, донишманд оқсоқоллардан бири сифатида танилган Оқил Умрзоқович Салимовни жуда кўпчилик ўзига устоз деб билади. Ёши тўқсондан ўтиб, юзни қоралаган дамларда ҳам жонининг тинчини эмас, эл-юртнинг келажакни бўйлаб яшаётган ва ишлаётган бу табарруқ инсон шу кунларда ёшларга қўшилиб яна бир ёшга улғайдим, деб турибди. Шу ўринда у кишига барча шогирдларининг эзгу тилақларини етказиш баробарида, элга камарбаста умрингиз зиёда бўлсин, муҳтарам устоз, деймиз.

Муслмон НАМОЗ

"РАҚАМЛАР ОЛАМИГА АСИРМАН"

Бошланиши 1-саҳифада.

– Умуман, математикнинг фикрлаш тарзи қандай бўлиши керак?

– Абстракт фикрлаш лозим. Масалан, менинг хотирам яхши эмас, формулалар, теоремаларни эслаб қолишим кийин. Бирор мисолнинг ечимини топишга киришганимда натижа қандай бўлишини олдиндан тасаввур ҳам қилолмайман, аммо қалам олиб, қоғоз билан юзма-юз қолишим билан беихтиёр уни ечиш усуллари ҳаёлимга келаверади.

Умуман, математик жуда кенг доирада фикрлаш қобилиятига эга бўлиши керак. У фақатгина мисол-масала ечиб ўтираверса, шунинг ичида ўраллашиб, ҳаётдан ҳам орқада қолиб кетади. У бадий адабиётларни ҳам ўқиши, санъатни яхши тушуниши, спорт билан мунтазам шугулланиши шарт, ҳатто, математиклар орасида жуда моҳир созандаларни биланаман. 12 ёшимдан 17 ёшимгача бир кунда ўртача 100 бетдан китоб ўқирдим. Университетда ўқиб юрган пайларимда кунига ўртача 20 бетдан ўқишга вақт топганман.

Отам қандай қилиб мени китоб ўқишга қизиқтирганини айтмайми? "Ҳар бир ўқиб бўлган китобнинг учун бир сўмдан пул бераман", деган. Кўпроқ пул ундириш мақсадида ҳамма ўртоқларим кўчада маза қилиб ўйнаётган пайда мен 20 та китобни бирпасда ўқиб чиққанман (уларнинг ичида юпқагина китоблар ҳам бўлган, албатта). Кейин бориб отамдан ваъдасининг устидан чиқшини, менга 20 сўм беришини сўрадим.

Табийи, отам бир сўм ҳам бермаган. "Бу китобларнинг ҳаммаси меники, аслида, сен менга пул тўлашинг керак", деган. Тўғри, ушанда бироз ранжиганман, аммо китобга ошнолигим шундан бошланган. Эсимда, акам иккаламиз китобларни таллашиб ўқирдик. У битта китобни ўқишга киришса, мутлола вақти тугагунча унга топширилган ишларни ҳам мен бажарардим, токи, акам тезда ўқиб тугатсин-у, китобни менга берсин деб. Мен ўқиётганимда эса акам уй юмушларини бажарарди.

Шундай қилиб жаҳон, рус адабиёти классиклари, Сервантес, Гюго, Хемингуэй, Толстой, Достоевский ва ўзимизнинг адибларнинг китобларини берилиб мутлола қилганман. Бугун шуни



англаб етдимки, ўша ўқиган китобларим ҳаёт йўлимда ҳар қадамда менга асқатаяпти. Масалан, Виктор Гюгонинг "Париждаги Биби Марям ибодатхонаси" романини ўқиганимда, ёзувчининг ибодатхонани жуда синчковлик билан тасвирлаши менга зерикарли туюлган, ўзингиз биласиз, ёш ўқувчи асардаги воқеалар ривожига кўпроқ қизиқади. Йиллар ўтиб, Францияга борганимда Биби Марям ибодатхонасини зиёрат қилиш насиб этди. Уша болалагимда ўқиганларимни бир-бир хотирамдан ўтказиш бошладим ва бу ерга олдин ҳам қачондир келгандек бўлавердим. Ёки бўлмаса, Сервантеснинг юрти бўлмиш Испанияга борганимда Дон Кихотнинг саргузаштлари кўз олдимдан ўтаверган.

Ҳозир электрон китобларни ўқиш одатга айланаётган. Лекин менга босма китоб мутлолашининг завқини электрон китоблар бера олмайди. Шогирдларимга ҳам доим бадий китоб ўқишни маслаҳат бераман.

– **Баҳром ака, бундан анча йиллар олдин сиз билан суҳбатлашганимизда хорижа тақлифлар бўлса, бутунлай кетасиз, деган саволимга, "Пул қалмага керак, аммо одам бетоб онаси ё аёлини бошқа соғига алмаштирмайди-ку, унинг саломатлигини тиклашга ҳаракат қилади, тузалиши учун курашади", деган жавобни берган эдингиз.**

Бугунги кунда Хитойдаги нуфузли илмий даргоҳда фаолият олиб бораётган экансиз. Ҳозир ҳам ўша фикрингизда собитмисиз ёки?..

– Инсонда касбига бўлган муҳаббат, у билан сени боғлаб турадиган ришталар борки, уни осонгина узиб бўлмайди. Ватанга муҳаббат тўғрисида ҳам шундай фикрдаман. Гарчи Хитойда ишлаётган бўлсам-да, юртимдаги иш жойим – Математика институтининг илмий ходими ҳисобланаман. Бир йилда тўрт-беш ой Ўзбекистонда ишлайман. Устозимиз Шавкат Аюпов раҳбарлигидаги грантда қатнашяпман. Докторантим бор, у билан ишлайман.

2024 йилда тўртта халқаро конференция ўтказдик. Шулардан биттасини сентябрь ойида ўзим ташкиллаштирдим. Анжуманда кўпгина ривожланган давлатлар ва Ўзбекистондан таниқли олимлар қатнашди. Институтимиз билан доим алоқадаман, кўпгина олимларимизни бу ерга тақлиф қилдим. Насиб этса, 2025 йилда ҳам ўзбек олимлари билан бир қанча лойиҳаларни илмий ҳамкорликда амалга оширишни режалаштиряпмиз. Умуман алганда, мен доим Математика институтини билан алоқадаман.

Кейинги йилларда мамлакатимизда илм-фан соҳаларини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни хорижий ҳамкасбларимиз ҳам эътироф этишяпти. Биз бундан фақат фараҳланамиз ва шунга жавобан Ватанимиз равнақи, миллий илмимиз истиқболига ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, бизнинг одамларга ўхшаган тантис, самимий, бағрикенг кишиларни қардан топасиз! Бизчалик бир-бирига меҳр-оқибатли, жигарпарвар халқ дунёда кам топилади. Бир қўшингиз, танишингиз кўринмай қолса, сўраб-суриштирасиз, ҳолидан хабар оласиз, вақтингиз жуда тигиз бўлса, жуда бўлмаганда, телефон орқали ҳол сўрайсиз. Ошна-оғайнилар билан йигилиб ўтирасиз, қариндош-уруғингизни қисса меҳмонга борасиз, яхши-ёмон кунда ёнида турасиз. Хорижда эса бундай эмас. Унинг ҳаёти фақат ўзиники, топиш-тутиши яхши бўлишига қарамай, фақат ўзига сарфлайди, ўзи учун ашайди. Шунинг учун мен бу ерда бутунлай қолиш ниятим йўқ ва, албатта, Ватанимга қайтаман.

Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.

МЕДИА-ФОРУМ

Пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилоти медиа-форуми бўлиб ўтди. Форумнинг биринчи қисмида "Ахборот соҳасида ТДТга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари" юзасидан маърузалар тақдим этилди.

АХБОРОТ СОҲАСИ МУТАСАДДИЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН ҲАМКОРЛИК

ТДТ Котибияти тадқиқот эксперти Алмагул Серкбаева ўз нутқида медиа ва ахборот соҳасидаги ҳамкорликни кўп қиррали муносабатлар доирасида асосий йўналиш сифатида ривожлантириш, ахборот соҳасидаги вазирлар йиғилишларини, Ишчи гуруҳ мажлисларини ҳар йили ўтказиш, форумлар ташкил этиш, семинарлар, ўқув дастурлари ва тажриба алмашиш тадбирлари орқали ҳамкорликни кенгайтириш борасида тўхтади.

Қирғиз Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазирлиги бошқарма бошлиғи Салқин Сарноева Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар журналистлари ассоциацияси Низоми тўғрисида тақдимот қилди. Низомда Ассоциацияга аъзолик, унинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, Ассоциация тузилмаси ва бошқаруви ҳамда бошқа масалалар қандай белгиланиши тўғрисида маълумот берди.

– Марказий Осиёдаги тенденциялар билан таниш бўлганларнинг аксарияти минтақамиз умумий муаммолар сари бирлашиш ва муроसाга тайёргарлик борасида намуна кўрсатганини яхши билади, – деди Ўзбекистон ташки ишлар вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Аҳбор Бурхоннов. – Бу ҳақиқатан ҳам барчанинг фаровонлигини таъминловчи ноёб ҳодисадир. Ушбу ўзгаришлар ҳақида энг аниқ маълумотларни етказиш учун ТДТга аъзо давлатлардаги оммавий ахборот воситаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимдир.

Форумнинг панели йиғилишида сўзга чиққанлар дезинформацияга қарши курашиш борасида эришилган натижа ва ютуқлар, мавжуд камчиликлар, муаммолар, уларга самарали ечим топишда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича тақдимотлар берилди.

Рақамли асрада дипфейк, кибержиноят ва бошқа шаклларда тобора мурракблашиб бораётган дезинформацион оқимларга қарши курашиш масаласи ҳар қачонгиданда долзарблиги, аҳоли медиасаводхонлигини ошириш самарали ечимлардан бири эканлиги таъкидланди.

Холис, далилларга асосланган, ишончли ахборотни тезкор етказишда ижтимоий тармоқлардан, сунъий интеллектдан оқилона ва унумли фойдаланиш бўйича маълумотлар берилди.

– Дезинформация оқибатлари оммавий ахборот воситалари доирасидан анча четга чиқади, – деди Миллий масс-медиа қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси Ақромжон Фозилов. – У анъанавий оммавий ахборот воситалари ва институтларга бўлган ишончга путур етказди, ижтимоий инзоларни келтириб чиқаради, жамиятнинг қўтбланишини кучайтиради ва одамларнинг сиёсат, соғлиқни сақлаш ва экология каби муҳим соҳаларда асосли қарорлар қабул қилишига тўсқинлик қилади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Улар мусиқанинг комил инсонни шакллантириш бобидаги имкониятларини очиб беришган. Бу буюк мерос ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Аксинча, биз учун мўтабар миллий асос бўлиб хизмат қилади.

Мусиқа болаларга куй, оҳанг товланишлари, турли хил жанрлар воситасида борлиқни аниқлатади. Мусиқа – товушларда очиладиган ҳис-туйғулар тўплами, гулдастаси. Мусиқа инсон қалбига таъсир қилиш кучига кўра етакчи санъатдир.

– Президентимиз мусиқа фани ўқитувчилари билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам гапириб, уларнинг ечими бўйича кўрсатмалар берган эди.

– Таълим ислохоти биринчи навбатда бевосита ўқувчи билан ишлайдиган ўқитувчига боғлиқ. Президентимиз эътиборни мана шу нозик, ҳассос ва машаққатли педагогик ишнинг ўзагига қаратдилар. Масалан, ҳозир республикамиз бўйича мусиқа ўқитувчиларининг 21 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Яъни, улар профессионал чолғучи эмас. Бунинг устига, мусиқа ўқитувчиларининг малака ошириш тизимида муаммолар бор эди. Чолғу сирларини яхши биладиган Санъат ва маданият институти битирувчилари эса ўқитувчиликка қабул қилинмасди. Энди бундай олий таълим муассасаларнинг мусиқа йўналиши битирувчиларига ҳам мактабларда ишлаш учун руҳсат берилди.

Бундан буюн мусиқа ўқитувчиларининг билим даражаси ва касбий маҳорати баҳолаб, малака ошириш тизими йўлга қўйилди. Бу йўналиш бўйича ўқув қўлланмалари, ўқитувчиларга тоифа беришнинг янги тартибини ишлаб чиқишга киришилди. Шунингдек, миллий сертификат бериш тизими ҳам жорий қилинади. Мусиқа ўқитувчиси миллий чолғу асбобларини камида биттасини ижро этиш кўникмасига эга бўлиши талаб этилади.

– **Мактабларда ўқитилаётган жисмоний тарбия дарсини ишлаб чиқиш зарурати ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Сиз бунинг миллий, тарихий, замонавий негизини нималарда кўрасиз?**

– Илгари ўғил ва қиз болаларнинг ҳар фаслга мос ўйинлари бўлган. Ана шу ўйинлар орқали уларда куч, ирода, мардлик, тиришқоқлик, чидамлик каби хислатлар тарбияланган. Бир қатор археологик топилмалар, тарихий қўлэмалар ҳам шундан гувоҳлик беради. Қадимги Бақтрия ҳудудидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвоннинг ўзаро беллашуви тасвирланган. Бу ноёб топилма миллий кураш миллоддан бир ярим минг йил аввалги даврларда ҳам боболаримиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлганидан далolat беради. Алпомишнинг турли баҳс ва курашларда намоён этган қаҳрамонликлари ҳам қадимда халқимиз оммавий спорт орқали ўз фарзандларини мард ва жисмон бақувват қилиб тарбиялаганига мисолдир.

Қизлар ҳам ийигитлардан қолишмаган. “Алломиш” дostonида Барчиннинг ор талашиб қалмоқ полвонлари билан курашга тушиши ҳақидаши эпизод бор. Азалдан ўзбек

ийгитининг белбоғи, қизининг рўмоли оддий мато эмас, балки мардлик, ор-номус, ҳаё, садоқат, поклик рамзи саналган. Лафзида собит ийигитлар “белгида белбоғи бор” деб мадҳ этилган. Бугун миллий тарбиямизнинг ана шу олтин қоидалари тикланмоқда.

Мутахассисларимиз ўқувчи ёшларни оммавий спортга кенг жалб қилиш йўлларини ўрганиб чиқди. Оммавий спорт орқали ўқувчилар саломатлигини яхшилаш ва жамоавий бирдамлик руҳини ривожлантиришнинг янги имкониятлари очилди. Атоқли немис адаби Виктор Гюго айтганидек, “Рўҳий матонат учун жисмоний матонатни кучайтириб туриш керак”.

Биз футболни ҳар бир мактабда омма-лаштиряпмиз. Ушбу спорт тури болада жамоавийлик ва биргаликда ишлаш кўникмасини шакллантиради. Волейбол, баскетбол ўйинлари ҳам ўқувчилар учун жуда қизиқарли ва фойдали. Булар ҳам ўсимларда мувозанат ва тезкор қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради. Ақл машқи бўлган шахмат ҳам эътиборимиздан четда эмас. Мактабларда стол тенниси мусобақалари, теннис бўйича кичик турнирлар ташкил қилинмоқда. Бу, айниқса қизлар учун қулай, мўътадил спорт тури.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич мактаб спорт клублари ташкил қилиб, 22 та олимпия, 19 та ноолимпия, 4 та миллий спорт турларини ўргатиш кўзда тутилган. Ўқитувчиларни тайёрлаш тизими мана шу вазифаларни бажаришга йўналтирилади.

– **Бугунги кунда ҳарбий ватанпарварлик тарбияси миллий ғурур ва жанговар руҳнинг юксак даражасини талаб қилади. Бунда қақриққача бошланғич тайёргарлик фани олдиға қандай янги вазифалар қўйилмоқда?**

– Мактаб ўқувчиларини юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг вертикал тизимини яратиш орқали ўқувчи ёшларни қақриғуға қадар бошланғич тайёрлаш тизимини янги босқичға олиб чиқамиз. Бу борада олий таълим муассасаларида шу йўналиш бўйича педагоглар тайёрлашни тубдан ўзгартириш, малака талаблари ва таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилгани айни муддао бўлди.

Республикамизда қақриғуға қадар бошланғич тайёрлаш тизими “Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, фол ҳаётини позиция”, деган янги, аниқ ғоявий тамойилға асосланади. Бу тамойил фаннинг маъна-

вий-маққуравий ўзагини, талабини белгилаб бериши кўзда тутилган. Ўқув дастури ва дарслиқлар шу янги тамойил асосида қайта ишлаб чиқилмоқда. Ушбу фаннинг ҳафтасига икки соатдан ўқитилиши самарадорликни кескин оширади.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси тўрт босқичда амалға оширилади. Энди 3 ёшдан 18 ёшға бўлган болаларнинг 15 йиллик тарбияси 4 босқичда, тартиб билан амалға оширилади. Боғча тарбияланувчиларига оила, Ватан, миллий қақриғулар танитилади. Иккинчи босқичда (1–4-синф) мустақиллик тушуғнаси, давлат рамзларига ҳурмат ва интизом каби ҳаётини кўникмалар; учинчи босқичда (5–9 синф) ҳуқуқий онг, миллий ғурур, буюк аждодларға муносиват ворис бўлиш; ва ниҳоят, юқори синфларда (10-11-синф) ҳарбий хизматға қизиқиш оширилади.

– **Ислохотлар доирасида “Жасорат мактаблари” деб аталган ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг янги модели ишға тушиши маълум бўлди. Бу моделининг хусусиятлари нимада?**

– Қақриғуға қадар бошланғич тайёрлаш тизими билан ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари орасида бевосита алоқа, ҳамкорлик йўлга қўйилиши назария билан амалиётни бирлаштиради. Яъни, республикадаги ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан “Жасорат мактаблари” фаолиятини йўлга қўйилиб барча умумтаълим мактаблари учун ҳарбий ватанпарварлик йўналишида таянч мактаб вазифасини ўтайди.

Ватанға муҳаббат ва ҳарбий қақриғуларни тарғиб қилувчи махсус фестиваллар ташкил қилинади. Миллий қақриғулар, ҳарбийлар ҳақида фильмлар намойиши, ватанпарварлик мавзусида мусобақалар ўтказилади. Ўқувчиларни ҳарбий қисмларға экскурсияға олиб борамиз.

Энди ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси Узлуксиз маънавий тарбия Концепциясига ҳамоҳанг равишда амалға оширилади. Ёзги таътил давомида ўқувчилар учун махсус ҳарбий-спорт оргоғуларни ташкил этилади. Унда ёшлар ҳарбий ҳаётини ўрганади, махсус кўникма ва жисмоний машқлар билан танишади.

Ёқубжон МЕНГЗИЁЕВ
суҳбатлашди.



БУГУННИНГ НАФАСИ

Мамлакатимизнинг энг йирик ва энг олис Қўнғирот туманини халқ орасида Ўзбекистоннинг “шимолӣ дарвозаси” деб айтади. Қўнғирот тумани ҳудуди Устюрт платоси ҳисобига 7 миллион 600 минг гектардан зиёд. Ўзбекистоннинг Шимолға борадиган асосий халқаро йўли ҳам шу ердан ўтган. Юртда бошланган ислохотлар ҳудуд аҳолисининг кундалик турмушида ўз натижаларини кўрсата бошлаганиға анча бўлди. Бугун бу ерда амалға оширилаётган улкан ўзғаришларни кўз кўриб, кўнгил қувонмаслиғи мумкин эмас.

Қўнғирот шаҳридан Қозоғистон билан чегарасигача масофа бор-йўғи 360 километр. Бошқа давлатлар билан чегарадош бўлишнинг ўзига яраша яхши ва ёмон томонлари бор. Масофа яқинлиғи туфайли ойиға арзимас 200-300 доллар топаш учун ишлагани қиқиб кетадиганлар кўп. Шу маҳалғача қўнғиротликларнинг 80 фоизи Қозоғистонға иш излаб кетарди. Натижада ўзининг юртида битмаган қанча юмуш қолиб кетаётганини тасаввур қилиб олаверинг. Маҳаллий ҳокимият бу ноҳуш вазиятни ўзгартириш бўйича амалий чоралар кўрмоқда.

Хусусан, Манғистовғача бўлган 240 километрлик йўлни бетонлаш ишлари бошланганда, асосан маҳаллий ишчилар жалб қилинди. Шунингдек, ишчиларни маълумоти ва мутахассислиғи, хоҳишиға кўра ишға жойлаштириш масалаларини ҳам аста-секин ҳал этиш бошланди. Бу борада туман аҳолисининг маълумоти, мутахассислиғи ва ишсизлик сабабига оид тўлиқ ахборот тўпланди.

Албатта, кимға иш тақлиф қилсанг, санаот соҳасида ишға жойлаштиришни сўрайди. Тўғри, Қўнғиротда истиқлол йиллари қурилган жуда катта кимё комбинати бор. Бироқ у аҳоли масканларидан анча олисда – Устюрт платосида жойлашган. Бу комбинат талабгорларнинг ҳаммасини ишға қабул қилолмайди.

Бироқ янги очилиб, ишға туширилаётган туз қарьерларида ҳали ишчилар учун барча шароит яратилган эмас. Янги ишға кирганлар Устюртда – дала шароитида яшаши керак бўлади. Айниқса, ишчи кучиға муҳтожлик сезилаётган туз қарьерини ёнида уй ҳам, бирор дов-дарахт ҳам йўқ. Одамларнинг ҳувулланган



көнгликка бориб ишлагиси келмайди. Шунинг учун иш сўраганларнинг бирови қоровул бўламан деса, яна бири ҳайдовчилик қиламан дейди, бошқаси фаррошлиқни сўрайди.

Ҳар кимға ўзи сўраган ишни топиш мушкул, бироқ иш билан таъминлаш муаммосини манзилли ташкил қилса, арзирли натижаға эришиш мумкин. Шунда туман маъсуллари Қўнғиротнинг ҳали ишға солинмаган бойлиқларига эътибор қаратишди. Гап шундаки, Қўнғиротда туз конлари кўп, улар қарийб 110 минг гектар майдонни эгаллаб ётибди. Туз – қўнғиротликларға Аллоҳнинг неъматини, қанча кўп қавлаб олсангиз, жойи яна тўлаверарди. Туз конлари битмас-туганмас хазина эканини тушунтириб, ундан кенроқ фойдаланиш бўйича мамлакат раҳбариятиға тақлифлар киритилди.

Жумладан, “Борса келмас” конининг ёнида 50 гектар ерда кичик санаот зонаси ташкил этиш режа қилинган. Тадбиркор тузни шу жойда қадоқлаб, тайёр ёки ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу режа амалға ошса, Қўнғиротдаги кичик корхоналарда камида уч баробарға ўсиш бўлади. Шунда ҳам 110 минг гектар туз конининг атиғи 10 фоизидангина фойдаланилади. Қолган 100 минг гектарни ҳам ўзлаштириш ва фойдаланиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Бу борадаги тақлифлар ҳукумат томонидан маъқулланган. Туз санаоти ривожлантирилса, туман иқтисодида жуда катта ўсиш бўлади. Ишсизлик ҳам сезиларли даражада барҳам топади.

Туман ҳудуди жуда бепоён экани туфайли, бу ерда ички йўллар, хусусан уларнинг кўпи жуда ноқорли-

ги масаласи ҳам аҳолининг доимий норозилиғига сабаб бўлаётган эди. Муаммони ечиш учун аввал унинг кўламини билиб олиш керак. Шу боис биринчи навбатда ички йўллар хатловдан ўтказилди – қаерни жорий таъмирлаш, қаерни асфальтлаш керак, қаерға тош-шағал ташкил қилса, арзирли натижаға эришиш мумкин. Шунда туман маъсуллари Қўнғиротнинг ҳали ишға солинмаган бойлиқларига эътибор қаратишди. Гап шундаки, Қўнғиротда туз конлари кўп, улар қарийб 110 минг гектар майдонни эгаллаб ётибди. Туз – қўнғиротликларға Аллоҳнинг неъматини, қанча кўп қавлаб олсангиз, жойи яна тўлаверарди. Туз конлари битмас-туганмас хазина эканини тушунтириб, ундан кенроқ фойдаланиш бўйича мамлакат раҳбариятиға тақлифлар киритилди.

– Маҳаллама-маҳалла юриб, кўча ва йўлларни ўлчаб чиқдик, – дейди Қўнғирот тумани ҳокимининг матбуот котиби Гулистон Қаражанова. – Ҳисоб-китобини аниқлаш-тирдик. Жами ички йўлларимиз 733 километрни ташкил этди, шундан 511 километри тупроқ йўл бўлиб чиқди. Ички йўлларнинг 70 фоизи талабға жавоб бермас экан. Босқичма-босқич деярли барча кўчаларни асфальтладик.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтмасам бўлмайди. Президентимизнинг тадбиркорларни кўпайтирайлик, улар ҳар ишмизға камарбаста бўлади, деган гапларида қиммат бор экан. Тадбиркорлар билан кенгашларимиз бор. Тадбиркорнинг вақти нафақат уларнинг ўзлари, балки жамият учун ҳам муҳим. Тадбиркор тортинмай дардини айта олиши керак. Ана шундай кенгашларнинг бирида 40 километр йўл масаласини ўртаға ташладик. “Биз ёнилға кетадиган харажатни кўтарайлик. Сиз бизға ёрдам беринг,” дедик. Чунки кум-шағални Қоратовдан олиб келиш керак. Қоратов эса биздан қарийб 200 километр узоқда жойлашган. Бир “КамаАЗ” шағал олиб келиш тўрт ярим миллион сўмға тушар экан. Барака топилсин, бир овоздан “муаммо йўқ, керагича ташкил берамиз” дейишди. Бирови 20,

бошқаси 50 бор қатнаб, келтириб беришди. 40 километр йўл тадбиркорлар ҳиммати билан яхшиланди. Бирортаси кўшимча бир тийин сўрамади. Яқинда Қоракалпоғистон бўйича ички йўлларни яхшилаш учун давлат бюджетидан ҳам маблағ ажратилди. Албатта, бундан Қўнғиротға ҳам улус бор. Яна 156 километр йўлимиз шу маблағдан таъмирланади.

Матбуот котибининг тадбиркорлар ҳимматидаан суюнганча бор. Туман марказидан ўн гектардан ошқ қаровсиз жой ҳам уларнинг мадади билан катта бир боғға айланади. Сал аввалроқ бу жойға бир нечта ноқонуний бино ҳам қурилиб, боғ майдони кичрайиб кетган экан. Битанларига тегилмади, лекин энди қурилиш бошламан, деб турганлар ҳокимиятға қақрилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Туман аҳолиси маданӣ ҳордиқ оладиган жой бўлиши кераклиғи айтилди. Боғ майдони қонуний тартибда қайтарилди олинди. Аммо тупроғининг таркиби бузилган, ниҳол қадаб бўладиган эмас эди.

Яна тадбиркорлар ёрдамға келди. 2000 рейс унумдор тупроқ келтириб тўкилди. Қайтадан боғ ташкил қилинди. Боғ ичидаги Ёшлар сайилгоҳида ўқув марказлари, ҳордиқ чиқариш учун яшил зоналар, умуман ёшлар учун нима керак бўлса, ҳаммаси ташкил этилди.

Бугун бу ерда замонавий Ёшлар маркази ва унинг ёнида Маънавият ва маърифат марказининг 52 минг жилдлик катта кутубхонаси ишлаб турибди. Қолаверса, тадбиркор

Ислом Худойбердиев ташаббуси билан Ёшлар марказининг ичида ҳам шинам кутубхона ташкил этилди. Бу ерға Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўзбек ва жаҳон адабиётига оид бадиий китоблар совға қилинди. Бир сўз билан айтганда, ташландик, қаровсиз боғ ёшлар учун муҳташам мутлоаа хиёбониға айланиш арафасида.

Ислохотлар фақат бандлик ва ободонлаштиришдан иборат эмас, албатта. Яқиндагина Қўнғиротда хусусий мактаб қурилиши бошланган эди, аллақачон ишға тушиш арафасиға келди. Темир йўллар тизимига қарашли фойдаланишға яроқсиз ҳолатға келган бассейн, футбол майдони ва спорт зали жада дала таъмирланмоқда.

Шу ўринда, туманда бўлаётган ўзғаришлар айниқса ёшларни илҳомлантириб юборганини алоҳида таъкидлаш керакка ўхшади. Хизмат сафарим вақти туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Мухтор Муртазоев бир ибратли воқеани сўзлаб берди:

– Сизға ҳали йигирмага ҳам тўлмаган бир йигитча ҳақида гапириб бермоқчиман. У билан танишувиш мана жуда қизиқ бўлган. Ёшларға ер ажратиш пайти у бизни ҳол-жонимизға қўймади. Озроқ ер бердик. Помидор экиб, ўша йили 80 миллион атрофида даромад топди. Кейинги мавсумда каттароқ ер бердик. У бугун беш гектар ерда деҳқончилик қилиб, оиласини боқяпти. Рўзгоридан ортган даромадни жам-

лаб, енгил автомашина сотиб олди. Уйда парранда боқади. Ундан ҳам фойда кўраётир. Ҳовлисининг бир бурчағида мўъжазига иссиқхона қурган. Яқинда ёшларға экспорт-боп маҳсулотлар етиштириш учун яна ер ажратганда, ёш деҳқонларға ўша йигитчани устоз қилиб қўйдик. Томорқадан даромад топиш бўйича маҳорат дарслари ўтятипти. Икки йил ичида туман ёшларининг лидери бўлиб олди. Кооперация ташкил қилган, уни ҳам ўзи бошқаради.

Туманда ижтимоий ҳимоя тизими ҳам янгиға структура асосида ишлайгани туфайли туманда аҳолини электр энергияға, газ ва сув билан таъминлаш ҳолати яхши томонға кескин ўзгарди. Қишлоқ ва овулларда истикомат қиладиган 8 минг хонадонға суюқ газ етказиб берилмоқда, туман маркази 100 фоиз табиий газ билан таъминланган.

Туманда ичимлик суви билан боғлиқ ечимини кутаётган масалалар ҳам кўп эди. Тармоқлар эскирган, таъмирталаб бўлиб қолганди. Мамлакат раҳбарининг қарори асосида Қўнғирот туманидаги 22 та маҳаллаға янгидан сув қувури тортиладиган бўлди. Бунға кетадиган маблағ эса Осие тараққиёт банки томонидан қопланиши белгиланган.

Қўнғиротда 226 та кўп қаватли уй бор. У бошқа туманлардан кўп қаватли уйлар сони кўплиғи билан ажралиб туради. Шунинг учун куз ва қиш ойларига тайёргарлик бу ерда бироз қийин кечади. Сабаби, бу уйларнинг кўпи эски. 39 та бузилиши керак бўлган уйнинг 29 таси Қўнғирот шаҳрида жойлашган. Шулар навбати билан бузилапти. Уй эгаларининг хоҳишиға қараб, ўринға ўрин ёки компенсация пули берилмоқда. Энг олис ҳудуд саналган Жасликда ҳам 30 хонадонға мўлжалланган тўртта беш қаватли уй қурилиши бошлаб юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат ислохотини Қўнғирот тимсолида кузата туриб, олиб борилаётган ишлар кўламини фақат ва фақат халқ манфаатиға хизмат қилаётганиға яна бир марта амин бўлдик. Ислохотлар “шимолӣ дарвоза”ғача етибди, деб ўйладиқ.

Мухайё ПИРНАФАСОВА





АКС САДО

“Jadid”ga rahmat, kungilragi gapni kutaribdi. Muallif Iqrom Buriboevning “Хамма уқияпти. Уқинг!” номли тахлилий мақоласи ёш авлоднинг мутолаага муносабати борасидаги тушкун хулосаларга дадил жавоб олиш имконини берган. Ишончим комилки, бу мақола мен сингари бошқа ноширларни ҳам ўйга солгани аниқ. Мутолаа билан кифояланиш ҳам мумкин эди. Аммо, мақола баҳона, анча йиллардан бери жамоатчиликнинг, мутасадди ташкилотлар ва ноширларнинг эътиборидан четда қолаётган, аслида соҳадаги кўплаб муаммоларнинг бош омилларидан бири бўлган айрим ҳоллар хусусида сўзлаш истаги голиб келди...

ЁШЛАР УҚИМАЯПТИМИ?

Албатта, уқияпти. Уқимаётган бўлса, мамлакатга кириб келаётган минглаб тонна қоғозларга ҳожат бўлмасди. Китоб савдоси билан шуғулланаётган минглаб дўконлар аллақачон ёпилиб кетарди. Эътироз ўлароқ айтиш мумкин: унда нега китобларнинг адади камайиб кетган? Нима учун нашриётлар иқтисодий танг аҳволга тушиб қолмоқда? Бунга Иқром Бўрибоевнинг мақоласида қисман ишора тарзида шундай жавоб бор: “Зангиота туманидаги, халқ тили билан айтганда, “Канцтовар бозори”ни ҳаммамиз яхши биламиз, лекин бу савдо масканида, масалан, бир кунда қанча китоб сотилади – буни билмаймиз”.

Богдан келса, тоғдан келди, деманг. Ишончини қойим қилинг: ёшлар уқияпти, вассалом.

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАРГА ЖАВОБЛАР

У ҳолда китобларнинг адади нега камайиб борапти? Нима учун нашриётлар бирин-кетин иқтисодий танг аҳволга тушиб қолмоқда?


Газета, журнал, интернет ва телерадио-журналистика соҳасидаги фаолият қаторида ўн йилга яқин муддат мобайнида айнан ноширлик билан шуғулланган, бу соҳанинг баланд-пастига бир қур кўз ташлаш насиб қилган ношир сифатида қуруқ гаплардан тийилиб, аниқ мисоллар билан гапира қолай.

Янглишмасам, 2009 йили беназир адиб Расул Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” бадиасини илк мартаба яхлит ўқуш ҳолида нашр этдик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Асрор Мўминнинг таржимачилик борасидаги бир неча йиллик машаққатли меҳнати самараси эди бу. Китоб, катта таваққалдан тийилган ҳолда, минг нусхада чоп этилди. Абдулла Орипов сўзбошиси билан нашр этилган китобни адабий жамоатчилик катта мамнулик билан қаршилади, ҳамкасблардан ҳам илқ сўзлар эшитдик. Аммо молиявий жиҳатдан қувончимиз узокқа чўзилмади.

Китоб савдосини ташкил этиш билан шуғулланувчи мутасаддиларимиз жами ададни, сотилса тўлаш шарт билан, ўша Зангиота туманидаги “Канцтовар бозори”даги дўкондорлардан бирига кўшқўллаб топшириб қўя қолдик. Орадан бир йил ўтгач, суриштириб билдикки, топширган китобларимизнинг бор-йўғи саксон уч донаси сотилган эмиш.

Бу гапни эшитган захоти биз ҳам ёшларни китоб уқимаётганликда, чин адабиёт билан “сарик адабиёт”ни фарқлашда, жамиятнинг мутолаадан йироқлаб бораётганлиқда айблаб, дардимизни ичимизга ютганимиз бор гап...

НОШИРНИНГ ДАРДИНИ КИМ ЭШИТАДИ?



САФАР АНГЛАТГАН ҲАҚИҚАТ

Ўша йиллари вилоятлардан бирига хизмат сафарига бормаганимда, ҳалигача “ёшлар китоб уқимаяпти”, деб ёзириб юраверган бўлардим, эҳтимол. Хуллас, бир гуруҳ журналистлар катта эътибор билан уюштирилган “Матбуот кунлари” доирасида чекка вилоятда хизмат сафарида бўлдик. Мактаблар, коллежлар ва лицейларда учрашувлар бўлиб ўтиши белгиланган эди. Қарийб бир ҳафтага чўзилган сафар мобайнида қайси таълим муассасасига борган бўлсак, деярли барчасида бир муддат аввал ўзим хизмат қилган “Тафаккур” нашриётида чоп этилган китобларни кўрдим. Улар орасида “Менинг Доғистоним” ҳам, “Барҳаёт ажодларимиз” туркумидаги ўндан ортик китоблар ҳам бор эди. Юзимга югурган табассум, “биз нашрга тайёрлаганимиз”, деган мамнуният китобларни арақлагач, изтиробга айланди. Китобларнинг барчаси “қароқчилик маҳсулотлари” экан. Аминманки, ўшандан буён аҳвол янада оғирлашган бўлса бордир, аммо яхшилانган эмас...

БАРЧА ИЗЛАР “ЧҲНТАК”КА ЕТАКЛАЙДИ

“Китоб қароқчилиги”нинг ёшлар мутолаасига нима алоқаси бор, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Изн берсангиз, буни бирмабир баён этсам.

Биринчидан, “ёшлар китоб уқимайди”, деган янглиш тасаввур айнан “китоб қароқчилиги” натижасида вужудга келган хомхаёл, аслида. Негаки, расмий статистика маълумотлари маълум маънода қонунга итоат қилувчи, ноширликнинг шартлари ва мажбуриятларига тўла-тўки амал қилаётган нашриётлар берган маълумотлар асосида шаклланади. “Яширин иқтисодиёт” билан айёрога йўл тутаетган тадбиркорлик субъектларининг статистикаси, албатта, бу ерда иштирок этмайди.

Иккинчидан, бугунга келиб шиддатли тарзда урчиб кетган “китоб қароқчилиги” соғлом фаолият олиб бораётган нашриётларнинг иқтисодий танг аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Чунки, битта китобни нашрга тайёрлаш учун ойлаб, баъзида йиллаб вақт сарфланади. Китоб устида муаллифдан ташқари муҳаррирлар, таржимонлар, мусахҳишлар, техник муҳаррирлар, дизайнерлар ҳам меҳнат қилади. Шу тариқа ажойиб бир китоб нашр этилиб, маълум нусхада сотувга чиқади. Аммо нашрдан шу асарнинг яхши сотилмаётганини, бор-йўғи икки минг нусха китобнинг сотилиши уч-беш йилгача чўзилиб кетганини, бозорда айнан шу китобнинг икки баробар

арзон нусхалари турганини эшитасиз...

Бунда куйидаги тизим бўйича иш юрилади. Халқ сўзи билан айтганда “шу савдонинг наҳанг”га айланиб кетган қаллоблар ҳаммиша “тайёрига айёр”. Ҳар бирининг китоб-дафтар ва канцелярия моллари билан савдо қилувчи дўкони, нардан-бери рўйхатдан ўтказилган чоғроқ босмаҳонаси бор. Бирор нашриётда чоп этилган китобнинг маълум қисми гўёки, сотиб пулини тўлаш шарт билан харид қилинади. Агар бу китобга талаб юқори бўлса, қисқа вақт ичида ўз босмаҳонасида унинг нусхаларини кўпайтира бошлайди. Табиийки, “китоб қароқчилиги” усулида чоп этиладиган босма маҳсулотда нашриёт харажати бўлмайди. Демакки, унинг таннархи арзон бўлиши аниқ. Уғриликка кўл урган “тадбиркор” муаллифга қалам ҳақи, муҳаррирга, техник муҳаррирга, мусахҳишга, расомга, саҳифаловчига ва бошқа ходимларга маош тўламоғи ва маошларнинг асл эгасидан сотиш учун харид қилган қисмини дўкони пештахтасига қўйиб, харидорга ўзи тайёрлаган китобни сотаверади...

Бу ёқда китоби сотилмаётган ношир ҳайрон. Охир-оқибат нашриётдан муаллиф ҳам ранжийди, “қалам ҳақини тўламади”, деб. Нашриёт ходимлари ҳам маошини вақтида ололмайдди. “Китоб қароқчилиги” шу тарика соғлом фаолият юритаётган нашриётни иқтисодий жиҳатдан боши берк қўнча олиб киради. У ёқда “қароқчи” шу маҳсулотни ўн минглаб нусхада сотади. 2-3 йил деганда харидорнинг тўйинишига қараб, нашриётга бўлиб-бўлиб икки минг нусханинг пулини тўлайди.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳам, нашр ҳуқуқи ҳам шундай оёқости бўлади. Бу гапларга исбот қидирсангиз, аксарият китоб дўконларида, ҳатто бозорларда сотилаётган маҳсулотларнинг қанчаси ўз эгасидан харид қилинганга бир қизиқиб кўринг? Сотилаётган қанча маҳсулот дўкон балансига киради қилганга? Қанча маҳсулотнинг олди-сотди ҳужжатлари мавжуд?..

Учинчидан, “китоб қароқчилиги” сабаб янги таржималар, янги асарлар нашри оқсаноқда. Негаки, уларни ташкил этиш учун маблағ зарур. Маблағ эса, ўз вақтида, инфляция зарарларисиз сотилаётган китобларнинг айланма маблағидан ортидан даромад ҳисобидан вужудга келади. “Қароқчи”лар хуружига учраган китоблар сотилмайди ёки зарар келтиради. Бунинг оқибатини юқорида баён қилдик.

Тўртинчидан, “китоб қароқчилиги” ўқувчилар сонининг кескин камайишига олиб келади. Негаки, “қароқчи ношир” тайёрига айёр бўлиб ўргангани учун янги асарларни, янги таржималарни нашрга тайёрламайди.

ёхуд “Хамма уқияпти. Уқинг!” мақоласини ўқиб...

Натижада китоб бозори йиллар мобайнида бир хил муаллифлар ва бир хил китобларга тўйинади. Шунинг учун, бора-бора “ўқишга бирорта янги китоб йўқ”, деган нолишларга кўникиб бораверамиз.

Бешинчидан, “китоб қароқчилиги” туфайли истеъдодли муҳаррирлар ҳам, мусахҳишлар ҳам, саҳифаловчи, дизайнерларни ҳам бой бериш мумкин. Негаки, “қароқчи ноширлар”га бу мутахассисларнинг қизиғи йўқ. Соғлом фаолият юритаётган нашриётлар “қароқчилар” келтираётган зарар туфайли бу мутахассисларни сақлашга иқтисодий жиҳатдан қодир бўлмай қоляпти. “Қароқчи ношир” эса, йиллар мобайнида шаклланган муҳаррирни қадрламайди. Битта кўлёмани ўқиб беришга юз минг сўраган муҳаррирни қўйиб ўн минг эвазига ўқиб бериши мумкин бўлган “нари-бери” мутахассисни топади. Бу кунни мусахҳишнинг, техник муҳаррирнинг, дизайнернинг, саҳифаловчининг ҳам бошига солади. Оқибатда илми ҳам, ҳунари ҳам, оладиган маоши ҳам сариқ чақа бўлган арзон ишчи кучи ҳақиқий мутахассисларни нашриётдан сиқиб чиқармоқда.

Тириклик ташвиши ҳар бир жоннинг бошида бор. Шу сабабли, ноширлик соҳасининг чинакам эгалари, муҳаррирлар, мусахҳишлар, расомлар, саҳифаловчилар, техник муҳаррирлар бугун ҳамма жойда ишляпти... фақат нашриётда эмас.

Бу борада алоҳида гуруҳ ёки қариндош-уруғларни қидириш шарт эмас. Қайси томондан келиб, сабабни қаердан қидирсангиз ҳам, барча йўллар “чўнтак”ка олиб боради, “қароқчи”нинг чўнтағига.

БУГУНГИ КИТОБ БОЗОРНИНГ ЧИНАКАМ МАНЗАРАСИ ҚАНДАЙ?

Яна қайтариб айтман, ёшлар уқияпти. Албатта, қўлига етиб борган асарларни. Бадиий адабиётлардан ташқари, илмий, энциклопедик, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликларни, турли лўғатлар, тил ўргатувчи китобларни ўқимокда. Диний мавзудаги китобларни ўқувчилар катта ёшлар орасида кўпроқ кузатилади. Электрон китоблар савдосида анчагина жонланиш бор. Фақат китоб савдосининг бозор қисми, шу бозорга босма маҳсулот киритаётган “учар”ларнинг назорати жуда суст...

ХУЛОСА

Юқорида ёзилган фикрлар учун барча маъсулиятни зиммамга олиб айтишим мумкинки, мамлакатдаги мавжуд қонунлар асосида “китоб қароқчилиги” борасида кескин чоралар кўрилмас экан, беш йилдан сўнг аҳвол янада аянчли тус олиши, ўн йилда эса, соғлом фаолият кўрсатувчи бирорта нашриётни топиш амримаҳол бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу омил туфайли, бугунга келиб ҳеч ким техник муҳаррир нигоҳини кўрмаган, имло ҳатолари фик-ғиж, нотўғри маълумот берилган, кўчириб олинган муқова билан чоп этилаётган китобни кўрганда ажабланмай қўйди.

Тақлиф ҳам, мулоҳаза ҳам шуки, “китоб қароқчилиги” билан шуғулланган кимсани мутлақо бу фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этиш, қонун доирасида хатолик билан босма маҳсулот нашр қилган нашриётга, матбаа корхонасига (улар ҳам оригинал макет тайёрлаш билан шуғулла-

нишини инобатга олган ҳолда), полиграфик жиҳатдан сифат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган маҳсулот чоп этган босмаҳоналарга шу нашрнинг таннархи миқдоридан жарима солиш ва сифатсиз маҳсулотни мусодара қилиш ҳуқуқини бериш лозим. Токи, “учар тадбиркорлар” маблағ йўқотишдан қўриқиб, чин маънодаги профессионал мутахассисларни ишга ёлласин. Токи нашриётлар ўртасида муҳаррирлар, техник муҳаррирлар, мусахҳишлар, дизайнерлар ва саҳифаловчилар учун қизгин рақобат муҳити вужудга келсин.

Ёмонлик жазопанмаса уриб кетади. Ҳаёт ҳақиқати шу. Босма маҳсулотлар қароқчилигига қарши қатъий чоралар кўриш, арзимаган жарималар эвазига жазодан озод қилиш амалиёти ўрнига шу иш билан шуғулланишдан узок муддатга маҳрум этиш, ундан зарар кўрган нашриёт фойдасига йирик миқдорда товон пули ундириш амалиётини жорий қилиш фурсати келди.

Р.С. Ноширлар малакасини ошириш маркази борми? Борлигини эшитмаганимиз. Бўлса яхши эди. Негаки, инсон қайси соҳада ишлашдан қатъий назар, тақомилга муҳтож. Ноширнинг малака ошириши эса илмини, демакки, ўқувчи олдидаги маъсулиятини ошириш демакдир.

Нашриётларнинг йил давомида нашр қилиши режалаштирган китоблар рўйхатини харидорга етказиб, олдиндан буюртмасини шакллантирувчи, мамлакатдаги барча йирик ташкилотлар ва таълим муассасаларини ўзида жамлаган савдо ташкилоти йўқ. Шу боис, китоблар минг, икки минг, нари бора уч минг нусха чоп этила бошлади. Ҳолбуки, бутун мамлакатни қамровчи савдо мажмуаси бўлганда эди, бу кўрсаткич бир неча ўн мингларни ташкил этиши мумкин эди...

Абдулҳамид МУХТОРОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: газетамизнинг шу йил 6 декабрь кунги сонидан чоп этилган “Хамма уқияпти. Уқинг!” сарлавҳали мақола кўпчилиқда катта қизиқиш уйғотди. Бу масала бўйича ҳамон таҳририятимизга кўнгиноқлар бўлиб, ёзма муносабатлар ҳам келиб турибди. Хусусан, Абдулҳамид Мухторов ўзининг ушбу мақоласида “танганинг орқа томони”га эътибор қаратиб, ноширлик соҳасида шу чоққача кўпчиликнинг назаридан четда қолиб келатган қингириклар ҳақида кўйиниб ёзгани эътиборимизни кўртган.

Дарҳақиқат, муаллиф тўртган масала жиддий! Чунки “қароқчи ноширлар”нинг мўмай бойлик орттириш илминда жамиятда китобхонлик ривожига тўғаноқ бўлаётгани етмагандек, мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам зарар келтираётганини асло оқлаб бўлмайди.

Шу боис биз ушбу мақола нусхасини Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасига йўллашга қарор қилдик. Қилни қирқ ёрайдиган муҳтарам солиқчиларимизнинг бу борадаги фикрларини эшитиш сизга ҳам қизиқ бўлса керак, муҳтарам ўқувчи!

МУТОЛАА



Мақола ёзадиган одам кам. Ўқийдиган одам ундан ҳам камайиб бораётган бир пайда ўйлашга ундайдиган, диққат-эътиборни яшиндай тортадиган мавзулар ҳақида асосли танқид, баҳсли таҳлил ва мулоҳазалар билан эринмай ёзарманлар борлиги, афсуски, бугун камёб ҳодиса. Майли, оз бўлса-да, соз бўлсин.

Қўлимга бирор китоб тўша, уно охиридан бошлаб ўқийман. Бу мен учун анъана. Китобнинг “қаймоғи” охирида бўлади, деб ҳисоблайман негадир.

Бу гал Шохруҳ Абдурасуловнинг “Ўжодқорлардан олган руҳ” китобини бўлакча таассурот билан ўқидим. Айниқса, оммавий маданият ҳақида битилган “Мўйловчилар ғавғоси ёхуд хослар маданиятига таҳдид” номли мақола жуда манзур бўлди. Ростки, аввалига бироз хушламай ўқишни бошладим. Сабаби маълум – бу мавзу кейинги вақтда жуда чайнаб ташланди. Янги гап бормикин, деган ўй билан кўз югуртирдим. Бироқ мен илгари аҳамият бермаган, илғамаган ҳақиқатларга дуч кела бошлагач, қизиқиб кетибман.

Толстойнинг Андрей Болконский ва Наташа Ростова каби қаҳрамонлари, Қодирийнинг Отабек ва Кумуши билан боғлиқ лирик воқеалар таҳлили, Сальвадор Далининг “Мўйловчи Мона Лиза”си-ю, муслиқий диднинг кескин ўзгариб бораётгани ҳақида баҳсли, аммо чуқур ўйлашга ундайдиган фикрлар эътиборимни тортиди.

“Дунёни сув босса, ўрдакка не ғам?”

қабилда ҳаёт кечириб зиёлиман деган одамга ярашмайди, дейди муаллиф.

Ҳа, бугун ҳамма ўз тинчи, бола-чақасини ўйлаб, нафақат глобал, ҳатто, майда муаммони кўрса ҳам, етти қадма нардан айланми ўтадиган бўлиб қолган. Балки замона тақозоси шудир. Аммо зиёли қатламнинг бу йўсинда ҳаёт кечириб ҳақиқий йўқ. Умуман, муаллиф айтгандай, ўзини зиёлиман деб билган ҳар қандай одам умуминсоний муаммолар олдида “менинг нима ишим бор, менга нима?” деган ўйга бормайди, атрофдаги оламга бефарқ, бепарво бўлмайди. Бу фикрга қўшиламан.

Бугун модернизм никоби остида “Поп-арт”, “Космополитизм”, “Садизм”, “Эгосентризм”, “Мода”, “Нутқ ва жаргон”, “Киблер лудонамия” ва “Индивидуализм” кабиларнинг урчиб бораётгани мисол қилиб айтилган. Ким учундир бу маънавиятсизлик, ахлоқсизлик, ким учундир бу санъат.

Шахсан мен ҳеч қандай изм-пизмларга қизиқмайман. Аммо буни санъат деб билладиганларнинг фикрини ўзгартиришга-да уринмайман. Сабаби, бу унинг шахсий нўқтани назари. Умуман, бу баҳсинг якуни, ечимини йўқ, назаримда. Ҳар ким ўз ҳақиқатини ҳақ деб билади, барибир.

“Сийрат ва қисмат (Шукур Холмирзаев эсселарига бир назар)” ҳаётимизда учрайдиган ўткинчилар ва ҳақиқий қаҳрамонлар ҳақида хотираларни қоралаб боришга қизиқтирди мени. Зеро, бизга учрайдиган ҳеч бир одам тасодифан пайдо бўлмайди. Ё яхшилик, ё ёмонлик билан бизга сабоқ беради ҳар бири...

“Санъат – гўзал изтироб...”ни ҳам мириқиб ўқидим. Ундаги фикрлар ижоднинг ҳамма турига боғлиқ деб ўйлайман. Хусусан, муаллифнинг ўзи ҳам шундай фикрни айтади: “Ижод – инсонга Яратган томонидан ато этиладиган самовий неъмат”.

Яна шундай фикр эътиборимни торт-

ди: “Тасвирий ва амалий санъатнинг энг катта ютуғи, таъбир жоиз бўлса, бошқа санъат турларидан устунлиги – тил, миллат танламаслиги, таржимага эҳтиёж сезмаслиги”. Чиндан ҳам. Энг кучли таъбир қуроли бу – адабиёт ва санъат, деб бекорга айтишмайди. Сабаби, у билан эзгу гоғларни ҳам сингдириш мумкин, бузғунчи гоғларни ҳам. Қарашларини “Мутолаага шошилинг” номли мақоладаги фикрлар билан хулосалашни хоҳладим. “Инсон қанча умр кўриши, бу умрда нималарга улгуриб, нималарга улгурмаслигини ўзи билмаслиги мумкин, балки кўп нарсага улгурар, балки ҳеч нарсага улгурмас. Бизнинг одамдай яшашимизга сабаб бўладиган омиллардан бири, бу – китоб”. Мен бу мақолада мутолаага шошилинг эмас, яшашга шошилинг деган даъватни ўқидим. Шундай экан, келинг яшашга шошилайлик, яшашга улгурайлик...

Юлдуз ЎРМОНОВА, журналист



Бошланиши 1-саҳифада.

Москва давлат университетининг журналистика факультетининг ўқидими. Талабалик йилларимда ижодий фаолиятим авжга чиқди. Мени фақат наботот олами қизиқтирар эди. Қатор мақолалар ёза бошладим. Россиянинг бир қанча шаҳарларида амалиёт ўтадим. У ерларнинг табиати, иқлими ва ҳайвонот олами ози-кўлини ўргандим.

Ўзбекистонга қайтиб, “Ўқитувчи”, яъни ҳозирги “Маърифат” газетасига ишга кирдим. Аммо бу газетани мени қизиқтирадиган соҳа унчалик ёритилмас, йўналиши бутунлай бошқа эди. Шунинг учун мақолаларимни қаерга беришни билмай қийналдим.

2014 йилда “ekolog.uz” деган сайт очиб, ёзганларимни жойлаб бордим. 2018 йилга келиб дунё бўйича экологик муаммолар долзарб бўлиб, бу ҳақда кўп гапирила бошланди. Лекин аҳолининг муурожаатлари деярли ўрганилмас эди. Ўша йили “ekolog.uz” телеграм каналимни ҳам ишга туширдим.

Бошида каналга кунига бор-йўғи битта ё иккита муурожаат келиб тушарди. Биз кўпроқ экологик муаммоларни кўрсатиш учун ҳаракат бошладик. Мен ҳеч қачон муурожаатчининг исми-шарифини эълон қилмайман. Сайтда исми-шарифи очилганмаслигини билган одамлар кўпроқ муурожаат йўллаб бошлади.

Соҳа мутасаддилари “Нега одамлар бу мавзуда биздан кўра сизларга кўпроқ муурожаат қилишади?”, деб эътироз ҳам билдиришган. Бунинг сабаби оддий. Бу идораларда тартиб бўйича муурожаатчининг исми-шарифи очилгани шарт. Одамларда эса ҳали-ҳамон ички кўрқув бор, андиша кучли. Масалан, ҳозир табиатни асосан тадбиркорлар ифлослантиради. Дейлик, унинг қўлида ишлайдиган киши бунча балон ёқилди ёки оқова чиқиндини дарёга оқиздик, деб очик айтса, у ишдан ҳайдалиши тайин-да.

Шунинг учун биз бундай маълумотларни кимдан олаётганимизни сир тутамиз. Тазйиклар ҳам бўлган. “Ким бу маълумотни берди?”, деган дағдағали саволларга ҳам дуч келдик. Чунки биз кичик тадбиркорлик субъектларига эмас, катта-катта корхоналар ҳам экологияни бузишга “салмоқли ҳисса” қўшаётгани ҳақида бонг урганмиз.

Ҳозирги кунда фаолиятимиз анча кенгайган. Мўъжазгина нодавлат ташкилотимизга ҳар кун йўқ деганда 20–25 та муурожаат келиб тушади. Экология вазирлиги, Экопартия, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорлик қиляпмиз. Экология билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда улар билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Бизда ҳалига қадар экожурналистика деган соҳа йўқ эди. Дастлаб Ўзбекистон

БОРЛИҚ – БАШАРИЯТ МУЛКИ

УНИ АСРАШ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ



давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетининг ўқидими ва Ўзбекистон журналистика оммавий коммуникациялар университетининг ўқув дастурларига экология бўйича дарслар киритилди. Аммо фақатгина 35–40 соатлик маърузалар билан малакали экожурналист тайёрлашнинг имкони йўқ. Албатта, чуқурлаштирилган билим ва амалиёт керак бўлади. Кейинги ўқув йилидан ЎзЖОКУга экожурналистика йўналиши бўйича ҳам талабалар қабул қилинади. 20–25 нафар талаба бўлса ҳам, ҳар ҳолда экология масалаларини ёритадиганлар сафи қўяяди. Мен шунисига ҳам хурсандман.

– **Экология бўйича амалга оширилган ишларнинг самараси қай даражада бўляпти? Сизга келиб тушаётган муурожаатлар ўз ечимини топяптими?**

– Албатта, ечимини топяпти. Агар шундай бўлмаганида телеграмдаги “бот”имиз аллақачон ёпилиб кетган бўларди. Мутасадди ташкилотлар бартараф этилган муаммолар ҳақида расмий муносабат билдиради. Муурожаатчи эса каналимизда бунга кузатиб боради. Биз масаланинг қай даражада ҳал қилинганини ўзимиз текшириб кўриб, ишонч ҳосил қилганимиздан кейин яна каналимизда эълон қиламиз.

– **Сизнингча, бундай муаммоларнинг кўпайишига кўпроқ кимлар сабабчи бўляпти?**

– Ҳар биримиз маълум даражада бунга сабабчи бўляпмиз, деб ўйлайман. Мана, кейинги вақтларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида миллионлаб дархат кўчатлари экиляпти. Аммо ана шу ниҳолларнинг деярли олти миш фоизи қуриб кетди. Нега? Агар ана шу эзгу ташаббус тўлиқ рўёбга чиқарилганида ҳозир Ўзбекистон бошдан-охир боғ-роғларга бурканмас-миди?

Бу ерда ҳўжакўрсинга кўчат экувчилардан тортиб, оддий фуқароларнинг ҳам айби бор. Бир мисол айтаман, ҳозир одамларнинг уйи олдига ҳам кўчат экиб беришяпти. Лекин ана шу кўчатлар қуриб қолмасин, деб биров бир челақ сув қўймайди. Ахир шу ниҳол вояга етса, эртага унинг соясида ўзимизнинг болаларимиз, невараларимиз ўйнайди. Ҳеч бўлмаса, икки кунда бир марта суғориш шунчалик қийин ишми?

Мен кўп қаватли уйда яшайман. Югур-югур қилиб, уйимизнинг орқа томонига 300 туп дархат кўчати эктирдик. Ишонасизми, уларга сув қуйиш учун 64 та хонадондан атиги уч нафар одам чиқади. Уларнинг бири мен бўлсам, икки нафари ўзга милакка мансуб қўшиллар... Уч кишининг 300 туп ниҳолни челақлаб суғориши осон эмас. Бошқалар деразасидан бамайлихотир бизни кузатиб ўтиришади. Қачонки бирон жойда дархат қуриса ёки уларга шикаст етказилса, кўпчилик одамлар бирданига

“табиат жонқуярлари”га айланиб қолиб, ижтимоий тармоқларга “негатив” жойлашга тушиб кетади.

Бундан ҳам ачинарлиси, кун сайин камайиб кетаётган сайроқи қўшларни овлаб пул ишлаётган, судралиб юрвчи жониворларни “минг дардга даво” дея сотиб ҳаменини қаппайтираётган, дархатларни кесиб ўтин қилаётган кимсалар табиатга, қолаверса, инсониятга қанчалик зарар келтираётгани тўғрисида ҳатто ўйлаб ҳам кўришмайди. Биз вилоятлар бўйлаб экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тренинглари ўтказамиз. Ана шундай тадбирлардан бирида фарғоналик бир “ишбилармон” ўзи чет давлатга экспорт қилган катта миқдордаги помидор маҳсулотини истеъмол учун зарарли деб топиб қайтариб юборишгач, юртимизда жуда арзон нархда сотгани ва одамлар ундан миннатдор бўлгани ҳақида гурурланиб сўзлади. Қаранг, биз нафақат табиатни, балки ўз-ўзимизни ҳам аямаяпмиз.

Яқинда Чирчиқдаги тўқимачилик фабрикаларида рейд ўтказганимизда чиқиндини яширин тарзда канализация қувури орқали дарёга оқизишга тўғригина гувоҳ бўлдик. Терини қайта ишловчи корхоналарда ишлатиладиган кимёвий модда ўта захарли бўлиб, уни махсус усуллар ёрдамида кўмиб, зарарсизлантириш талаб этилади. Афсуски, баъзи шоввозлар бу оғуни шунчаки тупроққа сепиб юборяпти ёки нари борса, қўлбола чуқурча қовлаб, шунга тўкяпти. Ваҳоланки, унинг бир томчиси ероти сувларига қўшилган бўлса, қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи кўрқинчли.

Умуман, экология муаммоси жуда кенг қўламли мавзу, уларнинг ҳаммасини биригина сўхбатда камраб олишнинг имкони йўқ. Уни асраб-авайлаш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз ҳисобланади. Чунки табиат, борлиқ бутун бир башариятнинг бебаҳо мулкидир.

– **Нарзис опа, “Яшил макон” лойиҳасига умуммиллий ҳаракат мақоми берилгани бежиз эмас. Шу ўринда экология соҳасига ихтисослашган журналист сифатида яшиллик оламининг табиатдаги жараёнларга таъсири ҳақида айтиб ўтсангиз.**

– Дархатлар биринчи навбатда чанг ва товушни ўзида ушлаб қолиш хусусиятига эга. Лекин бу – фақатгина дархатлар ҳаёт



манбаи дегани эмас. Ҳатто, оддий ажриқ ҳам ўзидан кислород чиқаради.

Бир нарсани яхши билишимиз керакки, игнабаргли дархатлар чангни ўзларида тутиб қолмайди, айтарли соя ҳам бермайди. Бизнесинг иқлим шароитимизда энли баргли, серсоя дархатларнинг аҳамияти катта. Чунки бундай дархатлар ўзининг сояси кенглигида ернинг намлигини ҳам сақлаб туради. Биз ҳамон арчага иштиқмандликдан воз кеча олмаёямиз. Арча ўзидан фитосинтез чиқаради, лекин у на гўборни, на товушни қайтаролади. Бунинг устига, игнабаргли дархат бўлгани учун унга қўшлар кўнолмайди. Катта баргли дархатларнинг камайиши ўз навбатида қўшларнинг ҳам камайишига сабаб бўлади.

Менимча, дархат кўчатини эккан ташкилот унинг қуриб кетишига йўл қўймастик учун ҳам масъул бўлиши керак. Ерга уч-тўрт туп ниҳол қадаб, тантанавор суратга тушиш ва оқори ташкилотларга тантанавор ҳисоботлар бериб кетавериш билан иш битмайди. Келажак авлодга она заминимизни омон етказиш учун ҳар биримиз масъулмиз. Аҳоли яшайдиган масканларни яшил ҳудудлар билан ўраб олиш керак. Уларни парваришлашни ҳам зиммамизга олиш зарур.

Ер ёриб ўсган ҳар бир гиёҳнинг ҳам, кўз очган ҳар бир жонзотнинг ҳам ўз вазифаси бор. Дов-дархатлар ҳаётга нафас беради, ҳавони тозалайди. Судралиб юрвчилар кемирувчилар билан, кемирувчилар эса тупроқ остидаги зарарли ҳашаротлар билан озиқланади. Шу тариқа табиатда популяция жараёни давом этаверади. Одамнинг асосий вазифаси эса оламини асрашдир!

– **Сиз билан сўхбатларимизни ҳар битта экологик муаммога алоҳида ёндашиб, албатта, яна давом эттира-миз, деган умиддамиз. Соғ бўлинг!**

М.РУСТАМОВА
сўхбатлашди.

ЭЪТИБОР

КЎНГИЛ КЎЗИ ОЧИҚ КИТОБХОН

Мўғуллар босқини даврида Ватан озодлиги учун мардона кураш олиб борган улуг аллома шайх Нажмиддин Кубро ўз асарларидан бирида “Китоб – саҳрода дўст, ҳаёт йўлларини таянч, ёлғизлик дамларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули дамларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир”, деган эди. Дарҳақиқат, яхши асар мутлоаси инсонни руҳан поклаш баробарида, уни юксак марралар, эзгу мақсадлар сари ундайди. Шунинг учун бугун диёримизда китобхонликка ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда бир қатор ҳўқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бир неча йиллардан буён ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида “Энг фаол китобхон”, “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон”, “Энг яхши китобхон оила” кўрик-танловлари мунтазам ўтказилмоқда. Яқинда Хоразм вилояти



кўзи ожизлар махсус кутубхонасида уюштирилган “Энг яхши китобхон оила” танлови ҳам ана шундай эзгу анъананинг давоми сифатида аҳамиятлидир. Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган мазкур танловда Рўзметовлар оиласи биринчи, Аллабергановлар хонадони вакиллари иккинчи, Ниёзметовлар оиласи аъзолари учинчи уринни қўлга киритди. Ғолиблар Хоразм вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси маъмурияти томонидан фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Эътиборли жиҳати, танлов қатнашчилари инсон руҳини юксалтириб, уни теран мушоҳадага ундовчи бадий асарларни мутлола

қилишнинг завқи ҳар қандай ютуқ ва соҳриндан устун эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Ушбу тоифадаги китобхонлар ўртасида ташкиллаштирилган “Энг яхши китобхон” кўрик-танловида эса вилоят, шаҳар, туман кутубхоналарининг доимий ўқувчиси ҳисобланган 12 нафар иштирокчи ўзаро беллашди. Мазкур билим ва тафаккур баҳсида урганчлик Гулмира Рўзметова ва Юлдуз Йўлдошева, хивалик Дилрабо Раззоқова ғолиб деб топилиб, муносиб тақдирландилар.

Кейинги вақтларда юртимизда ногиронлиқнинг оғир турларига чалинган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оши-

рилаётган хайрли ташаббуслар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бугун ана шундай инсонларнинг ҳам китоб ўқиши учун зарур шароит яратилган. Брайль ёзувидаги адабиётларни чоп этишга ихтисослашган босмаҳоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, аудио-китоблар яратишга мўлжалланган янги овоз ёзиш студиялари очилгани фикримиз далилидир. Бунинг натижасида кўзи ожиз инсонлар ўртасида ҳам китобга бўлган қизиқиш янада ортиб бормоқда.

С.РАМАТОВА,
Урганч туман кўзи ожизлар махсус кутубхонаси бўлим мудири

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИНING ЯНГИ БОШ ВАЗИРИ

Қирғиз Республикасининг янги бош вазири этиб Адилбек Касималиев тайинланди. У икки кун аввал президент истеъфога чиқарган Ақилбек Жапаровнинг ўрнини эгаллайди.

Касималиев номзоди 18 декабрь куни бўлиб ўтган йигилишда Жогорку Кенеш (парламент) томонидан тасдиқланди. Касималиев депутатларга ўзидан олдинги бош вазир Ақилбек Жапаров дастурини амалга оширишни давом эттиришга ваъда берди.

Бу тайинловга қадар Касималиев бош вазирнинг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган, 2015 йилдан 2018 йилгача эса мамлакат Молия вазирлигини бошқарган.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚУДРАТЛИ ПАСПОРТЛАР

2024 йил якуни бўйича дунёдаги энг қудратли паспортлар маълум қилинди – Бирлашган Араб Амириклари (БАА) кетма-кет тўртинчи йил ушбу рўйхатда етакчилигини сақлаб қолди.

Жаҳон рейтингини дунё фуқаролари вазисиз кира оладиган мамлакатлар сонига қараб шакллантирилади. БАА аҳолиси дунёнинг 90 фоизидан ортиғига ҳеч қандай тўсиқларсиз бора олади: 133 та мамлакатга визасиз ва 47 та мамлакатга келган заҳоти виза олиш имконияти билан ташриф буюриши мумкин.

Рўйхатнинг қолган топ-20 қисмини Европа мамлакатлари эгаллаган, энг қудратли 20 та давлатдан 19 таси Европада жойлашган.

Ўзбекистон мазкур рейтингда Кения, Куба ва Қирғиз Республикаси билан бирга 66-ўринда жойлашган. Мамлакат фуқаролари 32 мамлакатга визасиз ташриф буюриши, шунингдек, 46 мамлакатда етиб боргандан сўнг виза олиши мумкин.

95 Ёшли РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ижтимоий тармоқда таниқли шахсга айланган япониялик 95 ёшли авангард рассом Яёи Кусаманинг 180 та асари Австралиядаги Виктория миллий галереясида намоиш этилмоқда.

Кўрғазмадаги энг дастлабки ижодий ишлар 1930 йилларга тўғри келади ва энг охириги 2024 йилда яратилган. Кўрғазмага оид суратларни jadid.uz сайти орқали томоша қилишингиз мумкин.





УЙҒОҚ ХОТИРА

ОҒИР ҚОҒОЗ
ЗАРГАРИ

Чинакам ижодкор анчайин бир хатни ҳам қўл учиди ёзмайди. Ёзолмайди. Ижодий виждони бунга йўл бермайди. Қоғозга бирор нима ёзиб-чиши лозим бўлганда уни ҳаммаша астойдил, бор имкон, тажрибасини ишга солиб бажаради. Ҳар қанча тажрибадор, ҳар қанча улкан истеъдод эгаси бўлмасин, қору аъмоли шу! Биладики, кўнглининг таржимони мана шу оқ қоғоз, уни кўнгли буюрмаган ношайиста сўзлар билан наридан-бери тўлдирмоқ – гуноҳ. Ёзув машғулот, айниқса, ижод иши эса ҳаммаша машаққатлаб, негаки “ҳаммасидан оғири – қоғоз...” (Асқад Мухтор таъбири).

Устознинг ўзи-да сўз меҳнати – ёзувчиликка мудом ана шундай зўр масъулият билан ёндашган. Унинг энг дастлабки ижодий машқуридан бошлаб сўнги машҳур “Тундаликлар”га қадар ўқиб чиққан одам бунга амин бўлади; шунчаки ўйнаб, эрмакка битилган сатрни тополмайсиз. Муайян давр тақозоси билан ёки сиёсий инжиқликларни ҳисобга олиб ёзилган бўлиши мумкин, бироқ шулар ҳам беором юрак “тери”, тинимсиз мушоҳадалар заминидан дунёга келган.

Эсимда, ёш қайтиб, хаста бўлиб қолган кезларида устоз бир гал “Мана, энди ёзадиган замон келди, сизлар ёзасизлар. Бизникининг кўпи чикит бўлди-да”, деган эдилар армон билан.

Аслида шундайми? Асқад Мухтор китобларини бот-бот варақлаб тураман. “Тугилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, “Бўронларда бордек ҳаловат”, “Чинор”, “Бухоронинг жинқўчалари”, “Жар ёқасида чақмоқ”... Микёс ва теранлик, маҳорат даввоси эмас, асл маҳорат намуналари! Яқинда “Аму” романини яна кўлга олдим. Уша давр сиёсий мавзуларида ёзилган, адиб ижодида бирмунча камписандроқ ҳисобланган шу асарни қайта ўқиб, ҳайратга тушдим: ҳавас қилулик тил, тасвирлар, қаҳрамонларнинг ранг-баранглиги, характер бурткилиги, сиёсий-ижтимоий муаммолар заллари! Мен кейинги чоғларда бундай маҳорат билан битилган асар ўқимаган эдим. Ваҳоланки, унга асос қилиб олинган воқеликни ўрганиш учун муаллимнинг атайин Афғонистонга бориб келганидан беҳабарман...

Ёки ўтган аср бошларидаги ижтимоий-тарихий муҳит тасвирига бағишланган “Бухоронинг жинқўчалари” асарини олинг. Ўқиган одам уни қадим мадинанинг Лабиҳовуз маҳалласида туғилиб ўсган бир пири дониш ёзган дея ҳаёлга бориши мумкин.

Ёдимда, бундан ўн йиллар муқаддам “Қорақалпоқ қиссаси”ни мутлола этганимда ҳам шундай таассуротда қолган эдим. Бир қарашда булар – соцреализм асосларида ёзилган асарлар. Хўш, шунга кўрагина уларни чикитга чикит қармоқ инсофданми? Ёзувчи, аввало, нимани ёзгани учун эмас, қандай ёзгани учун жавобгар. Шунисига қараб унинг ижодига, асарларига гаҳ берилса ўринли, адолатли бўлади.

Ёки устознинг драматургия соҳасидаги “Самандар”, “Зар қадри”, “Тонг билан учрашув” асарларини олиб кўринг. Қаҳрамонлари, воқелик, ўртага қўйилган муаммолар муайян даврга хос. Аммо характерлар талқини,

фикрлар кўлами, хусусан, “Зар қадри”даги халқона тилни қаранг!

Ижод ишига ана шундай масъулият билан ёндашган адиб бадий таржималарга иккинчи даражали иш деб қарамоғи мумкинмиди?

Асқад Мухторнинг жажон драматургиясидан қилган таржима асарларини ўқиган бир русийзабон олим уларни аслиятга солиштириб чиқиб, “Ўзбек тилининг тасвирий имкониятлари бу қадар зўрлигини билмаган эканман, айниқса, фожий ҳолатларни ифодалашда рус тилидан чандон ошиб тушди-я!” деб эътироф этди.

Ҳолбуки, бу ўринда гап тилнинг қудрат-имкониятига бўлмай, таржимоннинг маҳоратига, иқтидорига, боринги, инсофу виждонига ҳам боғлиқ.

Дарвоқе, устоз бадий таржима билан мунтазам шуғулланиш баробари таржима назариясини пухта эгаллаган ўзига хос олим ҳам эди. Қўлимизда бундан олтим йиллар бурун – 1957 йилда нашр этилган маъруза матни. Ўрта Осиё таржимонлари анжуманига атаб рус тилида тайёрланган ушбу маъруза “Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг айрим масалалари” деб аталади. Ундаги кўп гаплар ҳам долзарблигини йўқотмаган. Қолаверса, устознинг таржима санъатига доир фикр-мулоҳазалари ҳануз илмий мақолаларга ибратли иқтибос бўлиб келаётгани жамоатчиликка маълум.

Таваллуднинг 90 йиллиги арафасида соҳиб фарзанди Элдор Мухторов ўз ташаббуси билан адиб таржима асарларини нашр эттирган эди. Бир чеккаси – фарзандлик бурчи, албатта. Аммо бунинг шовён саовб, қутлуг ишлигини миннатдорлик ила таъкидламоқ биз, китобхонларнинг бурчимиздир.

Кўриб турибмиз, гоҳо хашар йўсинида ул-бул қоралаб-қораламай номини “тарихга муҳрлаб” кетган айрим адабий арборларимизнинг уздабурон фарзандлари оталарининг таваллуд айёмлари арафасида турли давлат ва жамоат ташкилотларининг, нашриёту тахририятларнинг йўл-йўлагини чангитиб юборди: “Паханнинг йирик санаси, мақола чиқариш керак, китоб чиқариш керак!” Устоз Асқад Мухторнинг икки ўғли бор, иккаласи ҳам фан доктори, зукко профессори. Адабий жамоатчилик уларни эшитган чиқар, аммо ўзларини кўпчилик кўрмаган бўлса керак – шундай тамкин, камсуқум. Падари бузрукворларининг 100 йиллик юбилейига ҳозирлик бошланган кунларда бу икки ака-ука ҳеч қандай безовта қилмай, ўртага маблағ ташлаб, кутубхоналарга беғараз тарқатиш мақсадида адибнинг икки жилдли сайланмасини нашр эттирганига нима дейсиз! Биз, устозни кўрган, ул донишманд, олижаноб зотдан таълим олиб, меҳридан баҳраманд бўлган авлод бу ҳолга асло ажабланмаймиз. Лекин ана шундай танти отага муносиб хурматли олимларнинг фарзандлик ҳимматидан мутаассир ва миннатдор бўлган ҳолда айтаемизки, Асқад Мухтор ўзбек адабиётининг чўнг устунларидан саналмиш беназир адиб, ўз таъбири билан айтганда, мангуликка дахлдор сиймо! Халқимиз эзулик жабҳасида беминнат хизмат қилган бундай фарзандларини ардоқлашни билади.

Эркин АЪЗАМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИ ЗАМОН
ТАРЖИМАЧИЛИГИ ҲАҚИДА

Тили мустақил бўлмаган мамлакат кўп ахборотни бошқа тилдан олади, оқибатда уларнинг дунёқарши таъсирига беихтиёр тушиб қолади.

Ийгирма биринчи аср таржимачилиги аввалги даврдагидан талай жиҳатларига кўра фарқ қилади. Бу тафовут, аввало, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми мустаҳкамланганлигида, асарларни дунёнинг кўпгина тилларидан бевосита ўгиришга утилганида ва мутаржимлар сонининг кўпайганида кўринади. Нисбатан қисқа бир замонда бизда турк тилидан ўгириш амалиёти шиддат билан юзага келди ва тараққий топди, бошқа туркий тиллардан таржима қилиш ҳам ривожланиб келаётгани. Яна бир ўзига хослик, диний асарлар кўп ўгирилаётгани билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида она тилимизда диний лексиконнинг кескин кўпайишига сабаб бўлди.

Албатта, буни янги таржимачилик даври, деб аташ мумкин. Унинг яна бир қанча муҳим сифатлари бор, булар кейинги ўғирмаларнинг ютуқларига замин бўлса, ажаб эмас.

Аммо кўлга киритилган ютуқларни санаш билан чекланмай, ҳозирги жараённинг айрим нуқсонларини ҳам кўра оلسак, таклифларимизни ўртага ташлаб, ўрганасак, яхши бўлар эди. Чунки, бизнинг кузатишимизча:

Ўзбек тилининг тугал давлат тили бўлиши бу тўғрида қонун борлиги, унинг мукамаллиги, ҳар бир боб ва моддасининг бенуқсон эканига ҳам, унга амал қилишни давлат идоралари назорат этиб, айбдор ҳар бир юридик ва жисмоний шахсни жазолашига ҳам эмас, балки, аввало, мамлакат иқтисодий ҳаётининг қудратига боғлиқ. Яъни, мамлакат иқтисодиёти ноҳор бўлса, тилимизни нафақат бошқа эл-юрт вакиллари, ҳатто ўзимиз ҳам менсимай кўямиз. Қаранг, одамлар ҳозир бир маҳаллар дунёга антик адабиёт ва маданиятни, тенгсиз санъатни ҳада этган грекларнинг тилини эмас, тобора куч-қудратга инаётган корейслар тилини ўрганишни афзал билади. Чунки кейингисидан иқтисодий ҳаёт ривож топапти. Шундай экан, “буюк ота-бобларимиз” ҳақида қуйласак-да, бугунги дунё равақини ўзга тиллар орқали қабул қилсак, тор ҳовузгади балкича ҳолига тушишимиз тайин.

Бир тўп шоир-ёзувчилар, журналистлар, тил-адабиёт ўқитувчилари, сўз санъати муҳибларининг фидойилиги бунда камлик қилади. Бутун халқ ҳўжалигида ўзбек тили ишлас, халқнинг ўзи шунга астойдил интилса, ана ўшанда ўзбек тили давлат тили бўлади.

“Давлат тили” идораларо ёзишмалар ўзбек тилида юритилишига эмас (иш юритиш қорозлари – баайни денгиз суви юзасидаги бир энлик қатлам, унинг қирқ қулоч чуқурлиги, тўрт чақирим қъри бор), балки бутун мамлакатда ишлаб чиқариш ва таъмирланишига, Интернет орқали жорийланаётган ҳар қандай материал исталган лаҳзада ўзбек тилида мукамал ҳолда тайёр бўлишига, юртинг ҳар бир катта-кичик раҳбари бу тил учун жон куйдириши ва элнинг ўзи бошқа тилга оғувчиларни ёқтирмаслигига – бутун мамлакатда ўзбек тили муҳити юзага келишига боғлиқ. Ана ўшанда тилимиз давлат тили бўлади.

Шундан сўнг ўзбек тилининг униб-ўсишига ҳамма ишонади, биз бошқа эллар томонидан

“ютилиб”, уларга ассимиляция-ланиб кетмаслигимизга умид уйғонади. Келажаги омонат бўлмаган халқнинг миллий руҳи барқ уради, тилидаги не бир бадий мўъжизалар худди ер остида ётган ёмбидай бўлиб юзага чиқади, кўзларни, кўнгилларни кувнатади. Бу ҳолда таржималар оригинал асар каби ўқилади, тил эса тобора бойийди, таъсирчанлиги ортади.

Ҳозир эса (ҳе, аттан!) бир ўзбек амалдори ўзига тайёрлаб берилган иш қоғозини кўриб, “буни рус тилида келтиринг менга”, деганини эшитдик...

Тили заиф бўлган мамлакат кўп ахборотни бошқа тилдан олади, оқибатда уларнинг дунёқарши таъсирига беихтиёр тушиб қолади. Яъни, сиёсий ирода барқарор бўлмаслиги хавфи бор.

Мана шунинг учун бизга мукамал таржималар керак. Ҳар томонлама. Аммо ХХ асрнинг бошдан охиригача асосан рус тилидан ўгириб келган бўлсак, ундан узоқлашганимиз ҳамоно турк тилини ялов қилиб оляимиз, турк адабиётида нимаики бўлса (ҳатто ўртамеъна адибларининг асарларини ҳам) ўзбекчага ўгириб, китоб қилиб чиқарамиз. Булар ўзбек ўқувчисига керакми, адабиётимизни бойитишга қодирми, унис билан ишимиз йўқ.

Бунинг давоси – дунёнинг ўнлаб бошқа тилларидан ўгиришни рағбатлантириш керак. Ва албатта, русчадан энг яхши бадий ва илмий-маърифий асарларни таржима қилишни ҳам ташлаб қўймаслигимиз керак.

Кулгили бир мисол. Лев Толстойнинг бир аёлга ислом дини ҳақида ёзган хатини мен таржима қилганман, у 2000 йилда “Хуррият” газетасида чоп этилган. Энди буни қарангки, орадан йигирма йил ўтиб, уни рус тилидан озарбойжончага Телман Алиев ва Воқиф Халиловлар ўгиришибди. Сўнг озар тилидан туркчага Ориф Арслон таржима қилибди. Ва ниҳоят, боғи хатни учинчи тил – туркчадан Абдумурод Тилавов ўзбекчага ағдариб тақдим этибди. Боринги, А.Тилавов мавжуд таржимадан беҳабар бўлса ҳам, мактубни “рус → озар → турк → ўзбек” тарзда эмас, “рус → ўзбек” тарзда ўтирганида тўғри бўлар эди. Чунки ҳар бир таржима чоғи аслиятдаги нима-ди оздир-кўндир бой берилади. Шу маънода, тўртинчи тилдан ўтирганда эмас, иккинчи тилда маъно яхшироқ акс этади.

Туркчадан фақат бадий эмас, диний китоблар ҳам кўп ўгирилишига фидойилиги бунда камлик қилади. Бутун халқ ҳўжалигида ўзбек тили ишлас, халқнинг ўзи шунга астойдил интилса, ана ўшанда ўзбек тили давлат тили бўлади.

Бизнингча, бутун халқ мурад-таб қорни ва муллоий забардаст бўлиши шарт эмас, тор специфик масалаларни минглаб нусхаларда чоп этавериш диний маърифатнинг зиддига хизмат қилиб қолиши ҳам мумкин.

Таржима соҳасидаги энг чақоқ ҳолат – ўгирилган асарларнинг тили ва услуби ноҳорлиги бўлапти, бу эса умумўзбек адабий тилини пароканда қилляпти. Атиги ўн йил ичида “Севаара Назархондан янги кўшиқ” (Севаара Назархоннинг янги кўшиқи), “Устоз санъаткордан ажойиб ижроси” (Устоз санъаткорнинг ажойиб ижроси),

“Маҳалладаги ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш” (иш билан таъминлаш, дейиш ўрнига), “қонун ижросини таъминлаш” (қонунга амал қилиш, дейиш ўрнига) каби сўзма-сўз, ҳижжавий ўғирмалар пайдо бўлдики, тезроқ олди олинмаса, улар ҳам омаллашиб кетиши мумкин. Бунақа янглиш, тил табиатини бузадиган ифодаларга кўникиб ҳам бораётимиз.

Тил ва таржима борасида муаммолар кўплигини далиллаш учун биттагина сўзни мисолга келтира қолайлик. Ўттиз йилдан ошди, бизда “қирол”, “қиролчи” деган ғалати сўзлар роса урчида. Хўш, “қирол” ва унинг ўрғочиси “қиролчи” тушунчалари қаёқдан пайдо бўлди? Агар буни инглизлардан келган десак, инглизлар ҳукмдор (подшоҳ)ни “король” эмас, “кинг” дейди. “Король” деган сўз ўн икки ярим аср аввал франкларга ҳукмдорлик қилган Буюк Карл номидан олинган. “Цезарь” сўзи (киши исми)дан руслар “царь” (шоҳ) ясаб олгандай, “Карл” номи король деган титулга боис бўлган. Хўш, лекин “король”нинг Шарққа нима алоқаси бор?

Баъзи мутаржимларнинг танбаллиги, кўр-кўрона таржима қилишлари орқасида “Саудия Арабистони подшоҳи” деган маъно “Саудия Арабистони қироли” деб тақдим қилинади. Ҳолбуки, арабларда қирол бўлмайди, чунки Саудия Арабистони подшоҳи араб тилида “Маликул мамлақати ал Арабия ас Саудия” деб аталади. Яъни, қирол эмас, малик. Ўзбек тилида унинг “қиролчи” деган “женский род”и ҳам ясалган. “Қирол” сўзига “ича” деган жинс билдирувчи қўшимчаси қайдан қўшилган – ҳеч ким билмайди. Корейсларнинг “Денгиз маликаси” кинофильми номи бизда “Денгиз қироличаси” деб русчадан шунчаки кўтариб ўтказиб кўя қолинган. Корейсларда қирол ё қиролича деган сўз мавжуд бўлсамайди.

Бу – биттагина сўз учиди гап. Тилимизни бунақа чучмал, бемаъни сўзлардан тозалаш, эшитганда одамнинг ғаши келадиган ифода шаклларидан орасида қилиш керак. Йўқса, шундай гўзал, охандор, ифодага бой пиёсонимизни бой берамиз. Бундай ҳоллар эса юз-юзлаб.

Ана шундай қила олсакки ана тилимиз турли “дардлар”дан фориг бўлади, тобора соғаяди, қаддини ростлайди ва озод, эркин халқнинг она тили сифатида дунёнинг етакчи тиллари орасидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Таржима деганда асосан бадий асарларни ўгириш тушуниладиган бўлиб қолди. Ҳолбуки, бадий таржиманинг ўзи бу янги даврда кинофа қилмайди. Илмий филология ва тарих каби бир-икки соҳасидаги адабиётларнигина эмас, барча фанларни, техникавий асарларни, тиббиётга оид, бухгалтерия ва банк соҳасини, фалсафа ва иқтисодий китобларни, яна бошқаларни пайсалга солмай ўзбекчалаштириш, бундай таржималарнинг хоссаларини тадқиқ этиб, муаммоларини ҳал этиш керак. Чунки ўзбек тилида иш юритиш ва бадий адабиёт – шу иккови билангина она тилимиз давлат тили даражасига кўтарилмайд.

Бугунги кунда умуман ўзбек тилигина эмас, луғатимиздаги сўзлар ҳам давлат аҳамиятига эга бўлиб борапти. Бир замонлар судда ютиб чиқиб, ўзига етказилган зарарни ундирмоқчи бўлган одам суднинг қарорини русчага расман таржима қилдириши шарт эди, Ўзбекистонда ўзбек тилидаги суднинг қарори инobatга ўтмас эди. Энди эса ўтади! Аммо бунда ҳар бир сўз энг аниқ ва



тўғри таржима қилиниши лозим эканини таъкидлаб ўтирмаймиз.

Халқаро шартномаларимиз давлат тилида имзоланади ва кучга киради. Демак, тушунмовчилик келиб чиқмаслиги учун таржима аниқлиги жуда муҳим. Яхши эсимда, мен ўғирган бир шартнома матнида “ҳар икки давлат ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилади”, деган бир жумла бор эди, шу ифода ўша давлат дипломатларидан бирига ёқмабди. Сабаби, уларнинг тилида “манфаатдорлик” фойдахўрлик, ҳатто судхўрлик дегани каби экан. Бунинг маъноси бизда мана бунча, деб тушунтириш осон бўлмаган.

Ёки “экстрадиция” (выдача) деган сўзни олинг. Чет элга қочиб кетган жиноятчини тутиш ва юртига қайтариш дегани. Уни мен “тутиб топшириш” деб ўғирдим, аммо қабул қилинмади. Чунки аввалги шартномаларда бу сўз “ўшлаб бериш” деб ағдарилган, ўшлаб шундай шартномаларда шундай тарзда кетган экан. Кўрярсиз, бу шундай жиддий бир ишки, хато қилсангиз, тузатиш имкони ҳам бўлмайди – аввалбошида янглишмаслигингиз керак.

Хуллас, таржимачилик катта йўлга тушяпти. Давлат аҳамиятига молик жиддий ишга айланяпти. Энди бизга аслият тилини, ўгирилаётган нарсаларини ва энг муҳими, тилимизнинг миллий хусусиятларини яхши биладиган, тил табиатини нозик ҳис қиладиган лак-лак таржимон керак. Хўш, бунча таржимонни қаердан оламиз? Институтларда факультет ё бўлим очиб, талаба ўқитиб, диплом бериб чиқарган билан иш битмайди. Илло, ўттиз йилки бу тадбир иш бермади. Нимага десангиз, таржимонликка ўқитадиган аксар муаллимларнинг ўзи эплаб-сеплаб таржима қилиши даргумон.

Аслида, нафақат бадий таржима, балки ҳар қандай таржима – санъат. Театр институтида, олий адабиёт курсида, консерваторияда, рассомлик билимгоҳларида беш-олти кишилик талабалар гуруҳи бир машҳур санъат устасига бириктирилиб, “фалон-чининг синфи” сифатида таълим олгани каби, атоқли таржимонларни бу ишга жалб этиш, бўлғуси ижодкорлар бу юксак санъат (Корней Чуковский ибораси) сирларини синчиклаб ўрганишлари учун яна бошқа шароитларни яратишга киришайлик. Албатта, бу бир-икки йилда амалга ошириб қоладиган иш эмас. Аммо ҳозирдан бел боғлашимиз шарт.

Она тилимиз ҳар томонлама мукамал, асл маънода давлат тили бўлишни чиндан ҳам истасак, шундай қиламиз. Бўлмаса, ўша эски гап – ишга борамиз, ошга борамиз: кунлар, йиллар ўтгани сари ўзбек адабий тилининг муаззам ва мухташам одами пугурдан кета боради, одамлар бошқа тилларда барпо бўлаётган ажойиб-ғаройиб, сеҳрли оламга кўчиб ўта боради.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ



“ЖАДИДЛАР МЕРОСИГА МЕҲРИМ ЎЗГАЧА”

Япониялик таниқли жадиндус олим Ҳисао КОМАТЦУ билан суҳбат

Бошланиши 1-саҳифада.

Биласизки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин чор Русияси истилоси натижа-сида Туркистон ўлкаси тарихида катта ўзгаришлар юз берди. Бу вақтда мусулмон зиёлилари нималарни англади ва қандай саъй-ҳаракатларга қўл урди, деган савол пайдо бўлди менда. Шу боис аввалига француз ва рус тилларини ўрганишга киришдим.

1974 йилда университетни битиришда “Аҳмад Дониш ва унинг замони” мавзусида битирув диссертациясини ҳозирладим. Аспирантурада туркийча ва усмонли турк тилларини ўрганиб, 1977 йилда Ёш бухороликлар ҳаракати тўғрисида диссертация ёқладим. Абдурауф Фитрат фаолиятига доир тадқиқотларим ҳам ўша замонларда бошланган эди. Афсуски, ўша даврда Японияда бу мавзуда бирон бир адабий манбани топишнинг имкони бўлмади.

Шу сабабдан профессор Эдуард Олвортдан илтимос қилиб, Фитратнинг “Мунозара” асари фотонусхасини қўлга киритдим.

Докторантурадан кейин 1978-1979 йилларда Туркияда ўқидим. Чунки советлар замонида Тошкентга келиб, бу мавзуда изланиш олиб бориш асло мумкин эмас эди. Анқара университети тил ва тарих-география факультетида ўқиган чоғларимда кутубхоналардаги манбалар ҳамда Россия ва Ўрта Осиёдан борган муҳожирлар ёрдамида бир қанча манбалар тўпладим. Ўзбекча матнларни ўша замонда ўқишга киришдим, тўғриси, араб имлосига асосланган эски ўзбек ёзувини ўзим мустақил равишда ўргандим. Зотан, XX аср бошларидаги Усмонли ва ўзбек ёзув тили орасида бир талай уйғунликлар бор эди.

Японияга қайтган, турли университетларда Туркистон тарихига доир изланишлар олиб бордим. Бу орада Фитратнинг “Мунозара” асари, Бухоро ва Қозон шаҳарлари орасидаги маданий алоқалар, Қўқон хонлиги билан Усмонли турк давлати ўртасидаги дипломатик алоқалар, 1898 йилда юз берган Андижон кўзғолони, Бухоро ва Туркистонда жадиндик ҳаракати каби мавзуларда қатор мақолалар ёздим. 1996 йилда Фитратнинг ҳаёти ва унинг маърифатпарварлик қарашларига бағишланган “Инқилобчи Ўрта Осиё: бир жадиннинг қиёфаси” сарлавҳали китоб нашр эттирдим. Инқилоб туфайли тангликка тушиб қолган ватандошларига йўл кўрсатишга чоғланган туркистонлик зиёлиларнинг фикри ва фаолияти эътиборимиздан четда қолмади.

Ўша китобимни нашрга тайёрлашда собиқ советлар мамлакатига кетган қайта қуриш даврида сизларнинг юртин-



гизда чоп этилган матбуот ншрлари ва ўзбек олимларининг ёрдами менга жуда асқотди. Чунки жадиндус адабиёти ўша даврлардаги ижтимоий ҳолат ва қарашлар тарихини ўрганиш борасида жуда муҳим манба саналади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг 1915 йилда “Садои Туркистон” газетасида чоп этилган “Туй” шеърисида ўша даврдаги ижтимоий муаммолар очик намоён қилинган.

– Бугун Японияда ўзбек тили ва адабиётига қизиқиш қай даражада? Кунчиқар юрт китобхоналари бизнинг адабларимиз ижодидан хабардорми?

– Афсуски, япониялик мутахассис олимларнинг ўзбек тили ва адабиётига қизиқишлари жуда оз, деб ўйлайман. Гарчи “Бобурнома” асари ва “Алпомиш” дostonлари япон тилига таржима қилинган бўлса-да, бизда ўзбек адабиёти ҳалига очилмаган қўриқ саналади. Советлар замонидан, масалан, Чингиз Айтматовнинг асарлари Японияда ҳам таржима қилиниб, жуда кўп нусхада нашр қилинган эди. Аммо ўзбек адабларининг асарлари япончага ўғирилмади.

Бу соҳада йўл очиш учун жиддий ҳаракат қилмоқ лозим. Мен муҳтарам дўстларим Афтондил Эркинов ва Зайнобиддин Абдирашидовдан ўзбек мумтоз адабиёти ва жадиндикка доир мақолаларни сўраб олиб, уларни инглиз тилидаги “Asian Reserach Trends” (“Осиё тадқиқот йўналишлари”) журналида чоп этишга бош-қош бўлдим. Биз учун бундай таништирув характеридаги ишлар жуда ҳам зарурдир. Таъкидлаш кераки, 2012 йилда Токиодаги Хорижий тиллар университетида Японияда биринчи марта Ўрта Осиёга оид тадқиқотларга йўналтирилган махсус бўлим очилди. Камина анча вақт ана шу даргоҳда ишладим. Бу

масканда рус ва ўзбек тилларини ўрганиш мажбурий бўлиб, ҳар йили икки ёки уч талабамиз Тошкент давлат шарқшунослик институтига бориб таҳсил олар эди. Ана шу ёшлар орасидан келгусида ўзбек тили ва адабиётини бизнинг мамлакатга таништирадиган мутахассислар етишиб чиқишига умид қиламан.

– Тўғриси, ўзбек ўқувчилари орасида япон адабиётининг мухлислари кўп. Сиз бугунги япон адабиёти намоёндаларидан қайси шоир ва ёзувчиларнинг ижод намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни тавсия этган бўлар эдингиз?

– Кўп сонли истеъодлар орасидан бирортасини танлаш ҳам жуда қийин иш. Шу ўринда мен япон китобхоналарининг сеvimли адаблари бўлмиш Сосоки Натсуме (1867–1916) ва Осаму Дазай (1909–1948) номларини тилга олмоқчиман. Хусусан, Сосокининг “Кўнгил”, “Мен мушукман” романлари, Дазайнинг “Заволли умрим” қиссаси ҳамда “Мое-рис” ҳикояси ўзбек китобхоналарига ҳам манзур бўлишига ишончим комил. Шубҳасиз, замонавий ёзувчилардан Ҳаруки Мураками япониялик энг яхши адаблар сирасига қиради.

– Бугунги ўзбек адабиётининг миқёси кенгайиб, дунёга юз тутаятган бир даврда сиз танишган қайси ўзбек шоир ёки ёзувчиларнинг асарлари япон ўқувчиларига маъқул бўлади, деб ўйлайсиз?

– Тўғриси, замонавий ўзбек адабиётининг етарлича боҳабар эмасман. Бироқ менинг яқин келажақда Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларини япон тилига таржима қилиш ниятим бор.

– Сиз машҳур мусулмон олими ва сайёҳ Абдурашид Иброҳим фаолияти бўйича жиддий тадқиқотлар

олиб борган олим сифатида ўзбек газетхонларига қандай янги маълумотларни айта оласиз? Унинг китобларида ёки япон тилида босилган асарларида Туркистонга тегишли маълумотлар ҳам борми?

– Отаси бухоролик саналган ва чор Русияси замонида Шарқий Сибирияда дунёга келган Абдурашид Иброҳим XIX аср сўнгидан XX аср бошларигача Россия мусулмонларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларидаги йўлбошчилиги билан танилган мусулмон зиёлиларидан эди. У 1908-1909 йиллар орасида Евроосиё китъасини кезиб чиққан машҳур сайёҳ ҳамдир. “Олами ислом: Японияда интишори исломият” деб номланган саёхатномаси эса адабнинг номини абадиётга муҳрлади. Айниқса, унинг Японияга қилган сафари маиший жиҳатдан японларнинг ислом дунёси билан яқиндан танишишига йўл очди.

Бунинг натижасида Иброҳим афанди ва паносиёчи японлар орасида яқин дўстлик алоқалари юзага келди. У турли сабаблар туфайли 1933 йилда Токиога бориб, шу ерда муқим яшаб қолади. Япония аҳолисини ислом динига эътиқод қилувчи кўп халқларнинг адабиёти ва маданияти билан яқиндан таништириш борасида қатор хайрли ишларни амалга оширади. Иброҳим афанди Иккинчи жаҳон уруши даври – 1944 йили Токиода вафот этади. У киши мен ишлайдиган университет яқинидаги Тама қабристонига дафн қилинган. Умуман олганда, Иброҳим афандининг фаолияти урушдан олдинги Япониянинг ислом дини борасидаги сиёсатини ўрганишида ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Иброҳим афандининг саёхатномаси ўзбек ўқувчилари учун ҳам жуда қизиқ бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки мазкур асарда муаллифнинг 1907-1908 йилларда Туркистон ўлкасининг Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, Еттисув, Олма ота, Семипалатинск каби шаҳар ва ҳудудларида шахсан ўзи гувоҳ бўлган воқеалар баён қилинган боб ҳам бор. Хусусан, у чор Русияси маъмуриятининг Туркистондаги бошқарув усулини қаттиқ танқид қилиш билан бирга, маҳаллий аҳолининг илмсиз ва ҳаракатсиз қолаётганини ҳам наодомат билан қайд этади. Бироқ у Самарқандда танишган Маҳмудхўжа Бехбудийни “Ўзбекларнинг қаҳрамони” сифатида эҳтиром билан тилга олади. Иброҳим афанди 1909 йили Токиода шу мавзуда бир қанча нутқлар ҳам сўзлади. Ана шу маърузаларнинг айримлари япон тилига ҳам таржима қилинган. Дарвоқе, ушбу маъруза-мақола “Ох, Туркистон!” деб номланади.

– Ўзбекистонга бу галги сафарингиз қандай кечди?

– Жуда сермазмун ва самарали бўлди. Куни кеча “Jadid” газетаси таҳририятида меҳмон бўлдик. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан шундай газета ташкил қилинганидан хурсанд бўлдим. Кинематография агентлигида кино усталари билан жадиндус адабларига бағишланган фильмлар яратиш хусусида фикр алмашдик.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказилган “Жадиндик ҳаракати: талқини ва муаммолари” мавзусидаги халқаро анжуманда ҳам қатнашиб, “Японияда жадиндушнослик” деган мавзуда маълумотлар тақдим этдим. Шу куни Бехбудий ва унинг “Ойна” журнали библиографияси, Фитрат ва унинг “Мунозара” асари, шунингдек, 1922 йили иккитагина сони босилган “Ҳақиқат” журна-ли ва бошқа манбалар хусусида маъруза қилдим. Дарвоқе, келгуси йил баҳорда Токиода айнан жадиндик ҳаракатига оид халқаро илмий анжумани Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигига бағишлаш ниятимиз бор.

– Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Баҳодир КАРИМОВ
суҳбатлашди.

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Шамсиддин Бадриддинов – 1897 йили Қозон губернияси Маминск районига туғилган. 1913 йили Аҳмадбек ҳожи Темурбеков қўлида ишлаш бошлаган. Кейинчалик махсус олим бўлиб хизмат қилган. 1919 йили партиёга ўтган, қизил гвардиячилар сафида бўлиб, Жалолободда “қулоқ” пар кўзғолонини бостиришда қатнашган, мусулмон отлик полки ҳарбий қўмондонини даражасига кўтарилган. Андижон уезди милициясининг сиёсий бўлими раҳбари, 1925–1927 йиллари область судининг аъзоси, 1927 йилдан 1929 йил бошигача округ судининг раиси ўринбосари, шунингдек, Фарғона округи прокурори, Ўзбекистон ССР Олий Суди прокурори ёрдамчиси, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Суди прокурори вазифаларида меҳнат қилган. Шамсиддин Бадриддиновга “Миллий иттиҳод” ташкилотига аъзоси, миллий истиқлолчиларга хайрихоҳ бўлганлик, уларни қурол-ярғоқ билан таъминлаганлик, ўз лавозимини суиистеъмол қилганлик каби айблар қўйилиб, ЎзССР Олий суди прокурори лавозимида ишлаётган вақти – 1932 йил май ойида ҳибсага олишди. Шамсиддин Алиев Бадриддиновга нисбатан эълон қилинган отув ҳукми кейинроқ 10 йилга Россиянинг Сибир ўлкасига сургун қилиш билан алмаштирилган. 1972 йил 20 апрелда СССР Олий Судининг қарори билан Шамсиддин Бадриддинов оқланган.

Анқабой Худойбаҳтов – 1905 йили Самарқандда туғилган. 1916 йилда ота-онаси вафот этади. 1918 йилгача турли ҳужалиқларда батрақлик қилиб кун кўради. 1918–1920 йилларда Жомбойдаги болалар етимхонасига топшириб юборилади.

1920 йилдан 1922 йилгача Самарқанд маориф институтига, сўнгра Тошкентдаги Ленин номидаги коммунистик университетга ўқиган. 1924-1925 йилларда Самарқанддаги “Зарафшон” газетаси масъул муҳаррир ўринбосари, айни вақтда комсомол газетасига муҳаррирлик қилган. 1925 йили партиёга кирган. 1925–1928 йиллари давомда Москвада журналистика йўналиши бўйича тахсил олади. Ўша пайтларда хизмат сафарига бўлган жадиндик ҳаракатининг таниқли вакиллари жамоасида бўлиб, маърифатпарварлар билан яқиндан танишди. Москвадан қайтиб келган “Зарафшон” газетаси масъул муҳаррири вазифасида иш бошлайди. 1929–1930 йилларда Республика касба союзи органи “Ишчи” газетаси муҳаррири, 1930–1933 йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партиа нашриёти бош муҳаррири, шунингдек, матбаачилар уюшмаси раиси сифатида фаолият юритган. 1936 йилдан Республика радио комитети раиси бўлган. 1937 йил 1 июлдан радиокомитет раислигидан овоз қилинган. СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йиғилишида Анқабой Худойбаҳтов отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.

Аъзам Аюпов – 1904 йили Тошкент шаҳрида туғилган. У 1935 йили рус тилида битилган ўз таржimai ҳолида шундай ёзган: “...1919 йилгача қуйи – ўрта мактабда (7 йиллик) ўқиганман, 1921 йилга қадар турли курсларда ўқиш билан бирга ишлаганман, 1919 йилдан 1920 йилгача “Турон” кутубхонасида кутубхоначи, ундан сўнг “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталари таҳририятида ва ҳозир “Қизил Ўзбекистон” газетасида ишламоқдаман. Мазкур редакцияларда адабий ходим, корректор, бўлим mudiri, масъул котиб ўринбосари, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатганман. Ҳозирги вақтда “Қизил Ўзбекистон” редакциясида масъул котиб ва “Улистон” журналида муҳаррир ўринбосари вазифасидаман”.

Аъзам Аюпов “Ер юзи” журнали масъул котиби, “Қизил Ўзбекистон”, “Правда востока” редакцияси ходимлари касба союзи раиси бўлган. У рус, турк, татар тилларини билган. Аксиланқилиб ҳаракатга мансублиқда айбланиб, 1938 йил 5 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан отувга ҳукм этилган.

Комилжон Алимов – 1903 йили Тошкентда туғилган. 1910 йили татар мактабига, кейинчалик рус-тузем мактабига ўқиган. Оилавий шароити оғирлиги сабаб ўқини ташлаб, 1915 йилгача полковник Шонмов қўлида хизматда бўлган. Февраль инқилобига пиво заводига ишлаган, дўконда фаррошлик қилган. “Тудалар” номи ёшларнинг миллий социалистик гуруҳига кирган. 1919 йили Тошкент эски шаҳар ошпазлар союзининг котиби ва раиси бўлган. 1921 йили Москвада Шарқ мамлакатлари коммунистик университетида (КУВТ) тахсил олган. Москвада ўқитган ўзбекистонлик талабалар комсомол ташкилотига раҳбарлик қилган. Туркистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд областлари комсомол ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган. 1924 йили Туркистон Компартияси Марказий Комитети матбуот бўлими mudiri бўлиб ишлаган. Ўша йили Москвадаги журналистика институтига ўқишга қабул қилинган. Тахсилни тугатган Ўзбекистондаги газеталарда муҳаррирлик қила бошлаган. 1926 йили Бутунўзбек партиа ташкилотининг 2-қурултойига, 1925 йил декабрида Москвада бўлиб ўтган ВКП(б) XIV съездида вакил этиб сайланган. У Ўзбекистон давлат нашриётига, Тошкент Эски шаҳар советига, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси матбуот бўлими коллегиясига аъзо бўлган. 1926 йили бир вақтнинг ўзида 2 та газета ва 3 та журналга муҳаррирлик қилган. У журналистика бўйича республикада танилган нуфузли раҳбар сифатида қадрланган. Аммо аксиланқилиб ҳаракатда айбланиб, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил октябрдаги йиғилишида отувга ҳукм қилинган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).





АЁЗ, ЧОРИФИНГНИ УНУТМА!

Қадим ривоятларда айтилишича, Аёз исми бир қулга Султоннинг меҳри тушиб, унга жуда катта ишонч билдиради. Ҳатто Аёзни вазир этиб тайинлайди.

Беш-олти кун сарой аёнларидан бири: "Аёз кетади, уйига бориб ётади. Буни бир пойлай-чи, уйда нима иш қилар экан", деб ўйлаб, уни кузатибди.

Аёз уйига боргандан кейин, вазирлик либосини авайлаб ечиб, сандиққа солиб, шол похолга чалқанча ётибди, қозикча илиб қўйган эски чоригига қараб нақл ўқибди:

"Эй, Аёз, вазир бўлдим деб, ўтган кунингни унутма, эски чорингни қуритма".

Китоб жавонимда советлар даврида чоп этилган "Ўзбекистон ССР тарихи" китоби бор. Яқинда унинг 1-жилди, биринчи китобининг 7-бобида жадидлар ҳақида баён қилинган фикрларни ўқий туриб, бугунги аҳволимиз ҳақида ўйладим.

"...1905-1907 йиллардаги революцияда Россияда жуда катта куч эканлигини кўрсатган ишчилар ҳаракати ва унинг маълум миллатлар миллий-озодлик курашининг ривожланишига кўрсатган таъсири Туркистондаги миллий буржуазияни ва буржуа интеллигенциясини қаттиқ чўчитди ва дастлабки вақтдан оқибат уларни реакция лагерига улоқтириб ташлади. Маҳаллий миллий буржуазия контрреволюцион куч бўлиб чиқди: шуни айтиши мумкинки, маҳаллий миллий буржуазия дунёга келган кунидан бошлаб ўрта Осиё халқларининг миллий ҳаракатида ҳеч қачон прогрессив, объектив-революцион роль ўйнамади.

Реакцион пантуркизм ва панисломизм идеологияси ўзбек буржуазиясининг гоявий қуроли бўлди.

Туркистонда пантуркизм ва панисломизм идеологиясини ифода қилувчилар жадидлар эди.

Жадидизм миллий буржуазиянинг бозор ва бозор муносабатлари доирасида рус империалистик буржуазиясига қарши бошланг кетган рақобат кураши заминда майдонга чиқди. Жадидлик ҳаракати тезда сиёсий тус ола бошлади..."

Бу китоб ўша вақтдаги ЎзССР Фанлар академияси томонидан тайёрланган ва 1957 йилда кўп нусхада чоп қилиниб, мактаб дарсликларига, олий ўқув юрталари ўқув дастурларига киритилиши учун асосий зувала вази фасини бажарган. Афсуски, ушбу тўқима-сохталаштирилган тарих неча авлод онгини захарлади, миллатни маърифатли, маънавиятли қилиб тарбиялаш, унинг келажакини истиқлолда деб орау қилган жадид боболаримизга "халқ душмани" тамғасини босди.

Юқоридagi иқтибосда келтирилган "туркпараст", "исломпараст" деган атамалар кейинги барча бобларда жадидларга ёпиштирилади. Бадаида туркий қор оқаётган, етмиш насли ислом динига эътиқод қиладиган миллат болаларига "турк" ва "ислом" сўзлари олабўжи қилиб кўрсатилади. Бу икки сўз ҳеч иккиланмай "империализм", "буржуа миллатчилиги" атамаларига тенглаштирилади.

"Синфий кураш"ни асосий қурол қилиб олган большевиклар олабўжи сифатида кўрсатаётган буржуазия



МАҚБУЛ ТОШОТАР...

ишлаб чиқарувчилар, яъни ҳозирги тил билан айтганда даврининг тadbиркорлари эди, холос.

Ўқиймиз: "Жадидлар миллий озодлик ҳаракатига раҳбарликни ўз қўлларига олиб, бу ҳаракатнинг революцион мазмунини йўқ қилиб ташлаш ва уни буржуазиянинг синфий манфаатларини амалга ошириш учун курашга айлантirmoқчи бўлдилар.

Жадидларнинг катта бир қисми "ватан" империализми билан чет эл империализми ўртасида иккиланган қолсалар-да, лекин Туркистонни Россиядан ажратиб олиш идеясини кўпроқ тилга олди."

Ушбу иқтибосда ватан сўзи қўштирноққа олингани қизиқ. Муаллифлар, гўёки социализмдан бошқа бирорта тузумда ватан бўлмайди, демокчи бўладилар, шекилли.

Коммунист тарихчилар ўша даврдаги асл ҳақиқатни қанчалик ҳаспўшламасин, ёлғонни қанчалик тўқиб-бичмасин, "жадидлар миллий озодлик ҳаракатига раҳбарликни ўз қўлларига олишгани"ни тан олишга мажбур бўлади, аммо юртни озод қилиш гоясини байроқ қилганларни адашганида, яъни "бу ҳаракатнинг революцион мазмунини йўқ қилиб ташлашганликда" айблашади. Улар наздида фақатгина революция озодликка олиб борармиш, бу ишга фақат бир ҳовуч большевиклар қодир ва ҳақли эмишлар. (Юртимизнинг 1991 йилда мустақил бўлишига ҳеч қандай революциянинг алоқаси йўқлигини ўз кўзи билан кўрган авлод вакиллари бу жумлаларни ўқиб, мийғида кулиб қўйиши аниқ). Ушбу жумла яқинда жадидлар "Туркистонни Россиядан ажратиб олиш идеясини кўпроқ тилга олди", дейилгани жасур боболаримизга ўша вақтда қўйилган сиёсий айб бўлса, бугун улар учун шарафдир.

Ушбу кўптомли китобда жадидларнинг маънавий, маърифий фаолиятига ҳам кўп бора асосис тошлар отилганига кўзимиз тушади. Аиникса, бу айбномалар жадидлар ташкил қилган вақтлӣ нашрларга "феодалкерлик", улар яратган асарларни "тарихни идеаллаштириш" ёки эл болалари билим олишларини истаб очган мактабларини ҳамда чет элларда ёшларни ўқитиш учун юборганликларини (аниқ сонлари келтирилади) "туркпарастлик руҳида тарбиялашга интилиш", деган тамга билан "сийланганлик"да кўринади.

Яна ўқиймиз: "...Жадидлар дарҳол

театрга идеологик курашнинг ўтқир қуроли деб баҳо бердилар. Улар 1911 йилдан бошлаб миллий буржуазия учун театрнинг фойдали эканини исботловчи мақолаларни мунтазам равишда вақтлӣ матбуотда чиқариб турдилар. Шу билан бирга улар ўзбек тилида драматик асарлар яратишга ҳам уриниб кўрдилар.

Бу соҳада Туркистондаги жадидлар ҳаракатининг раҳбарларидан бири – Беҳбудий актив иш олиб боради. У "Падарқуш" пьесасини ёзади ва бу пьеса автор ва унинг ҳамфиқрларининг ташаббуси билан 1914-1915 йилларда Туркистоннинг деярлик ҳамма шаҳарларида сахнага қўйлади. Ўзбеклар ўз интеллигенциясини бой синфларнинг вакилларидан яратиши керак, деган фикр – пьесанинг асосий сиёсий гоясидир. Бу пьесанинг тарғиб қилинишича, ўзбек зиёлилари Франция, Европа ва Туркияда таълим олишлари керак: бу эса, бир томондан, уларнинг халқни ислом руҳида тарбиялаши бўлса, иккинчи томондан, мустамлака аппаратурининг идораларида ишлайдиган ходим бўлиб чиқишларини таъминлар эди. Буни жадидлар "миллатни сақлаб қолиш"нинг энг қулай йўли, деб билдилар.

Жадид театри миллий маданият тараққиёти тарихида ҳеч қандай прогрессив роль ўйнамади, чунки у ўзининг бутун мазмунини билан ўрта Осиё халқларининг озодлик ҳаракатига қарши қаратилган эди. Ўз тараққиётида бу театр бошқа халқларнинг илгор маданиятига эмас, балки пантуркизм адабиётининг реакциян гояларига таянган.

Ушбу иқтибосни ўқиб, ёқа ушлайсан киши. Наҳотки, "ўзбек тилида драматик асар яратишга уриниш" айб бўлса? Беҳбудийнинг "Падарқуш" асари икки йил давомда сахналарда тақдор ва тақдор намойиш қилинганки, уни томошабин – халқ оқинишлар кутиб олган. Ўзбек зиёлилари Европа, Франция (гўёки Франция Европага кирмайдигандек) ёки Туркияда таълим олсалар, улар мустамлака идораларида ишладан бошқасига ярашмайди-ю, Чор Русиясида таълим олсалар, оддий халққа хизмат қиладиларми? Мантиқ қани? (Мустақиллик йилларида минглаб ёшларимиз жаҳоннинг энг нуфузли университетларида тахсил олиб, ҳозирда юртимиз тараққиёти учун хизмат қилишга, деган тамга билан "сийланганлик"да кўринади.

Беш юз варақли, катта (қизил му-

қовада!) ҳажмли китоб муаллифлари жадидларга нисбатан ҳақоратли ибораларни мўл-қўл қўллашган. Большевикларнинг асосий душмани бўлган меньшевиклар ҳақида сўз кетганида "партия" сўзини ишлатишади-ю, "Ёш бухороликлар" ва "Ёш хиваликлар" ҳаракати, ҳеч бўлмаганда, "фирқа", "ҳаракат" иборасини ҳам раво кўришмайди – "тўдаси" деб ёзишади. Ўз вақтида икки минг нафар аъзоси бўлган "Ёш бухороликлар" шунчаки тўда эмиш-у, Тошкентда атиги уч юз аъзоси бўлган меньшевиклар тўдаси партия эмиш. Адлу инсоф шуми, ҳақиқатни ёзишга даъвогар тарихчилар?

Китобнинг "Ўзбекистонда 1916 йил кўзғолони" бўлимида подшо Николай иккинчининг 1916 йил 25 июнда чиқарган "Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб борилаётган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида"ги фармонидан сўнг ўлқанинг барча жойларида бошланган норозилик ғалаёнлари ҳақида гап боради. Ушбу фармонга биноан Туркистондан 19 ёшдан 31 ёшгача бўлган жами 250 минг киши мажбурий сафарбар қилиниши керак эди.

Айни ёзда – экинлар парвариши (буғдой ўроғига киришилган) даврида далада асқатдиган эркакларнинг уруш жаҳаннамга олиб кетилишини халқ қабул қилмайди ва оқибатда норозилик ҳаракати бошланади. Тошкент, Самарқанд, Тўйтепа каби шаҳарларда бўлиб ўтган ғалаёнлар аскарлар ёрдамида бостирилади. Тинч аҳолидан юзлаб киши ярадор бўлади, ўққа учади. Исённинг энг каттаси ва шафқатсиз бостирилгани тарихимизга "Жиззах кўзғолони" номи билан кирган фожиадир. Шаҳарда норозилик намойишига чиққан аҳоли аёвсиз қириб ташланади, қолганлари шаҳар ташқарисига ҳайдаб чиқилиб, саратон жазирасида кун бўйи тиз чўктириб қўйлади. Аҳоли кўрбон бўлган.

Ўша вақтда жадидлар чоп қиладиган вақтлӣ нашрларда оқ подшо фармонида норозилик руҳидаги мақолалар кетма-кет чоп қилиниб турган ва охири-охири зўриқишга тушган империя бу фармонини кечиктиришда жадидларнинг фаолиги катта аҳамият касб этган. Аммо китобнинг юқоридagi бўлимида ғалаён вақтида бевақт ўққа учганлар учун жадидлар

айбдор, "улар одамларни алдаб, қўчаларга чиқаришди, "миллатчилик руҳидаги варақлар тарқатишди", деган айбловлар ("миллий буржуа элементлари", "миллатчи гуруҳлар" атамалари кўп учрайди) уларга очидан-очик тўнқалган. Гўёки, бу жараёнда "ўлкадаги большевиклар партияси аъзолари тинч аҳоли қони тўкилмаслиги учун жон қуйдиришган" эмиш.

Ушбу китобдаги ёзилмиш гапларга ишонилса, ўлкада 1911 йилдан токи 1920 йилгача бўлган даврда қай даражада ижобий ўзгариш (китобда бу ҳолат "прогрессив" сўзи орқали ифодаланади) рўй берган бўлса – большевикларнинг хизмати, нимадир фожиа рўй берган, салбий ҳолатлар, ("регрессив" деган атама қўлланилади) хатоликлар юзга келган бўлса – жадидларнинг қилмиши эмиш.

Шу ўринда "Ўғри бўл, фар бўл – инсофли бўл!" деган отасўзимиз дарров эсга келади.

Ёстиқдек китобда ўлкадаги миллий онг ўсишига катта таъсир кўрсатган жадидлик ҳаракати ҳақида алоҳида бўлим йўқ. Давр ва соҳалар ҳақида гап кетганида ора-орада кимнидир (ниманидир ҳам) танқид қилиш, ёмонотлик қилиш зарур бўлиб қолганида, улар узук-юлуқ эсланади. Фақат бир ўринда "миллий драматургияни яратишга урингани учун" Беҳбудий номи тилга олинади, бошқа бирорта жадид бобомиз номи келтирилмайди. Демак, бундан англашиладики, мақсад уларнинг номларини тарихимиздан ўчириб ташлаш бўлган.

...Эсимда, мактаб дарсликлариди ғаройиб эртак бўларди – "Муқбил тошотар". Муқбил – ижобий қаҳрамон, моҳир мерган. У зериккандан кўча бошида ўтириб, ўтган-кетганга тош отмайди – тирикчилигини ов орқасидан ўтказган аждодларимиз рамзи эди у. Унинг адолатчилиги, мерганлиги болаларга ибрат қилиб кўрсатиларди.

"Ўзбекистон ССР тарихи" кўпжилдли китоби муаллифларини эринмасдан санадим – олти нафарга яқин. Улар орасида соҳанинг академигу профессорлари анчагина...

Жадид боболаримиз 1930 йиллар охиридаги "тозалашлар"да қатагон тегириқларга тушиб, йўқ бўлиб кетган. Орадан йигирма йил ўтган бўлса-да, жасур аждодларимиз хотирасига тош отиш, уларни ёмонотликка чиқариш, фаолиятига борики қора бўёқларни чаплас тизимли давом этган. Мақсад – уларнинг муқаддас номларини тамомла тарихдан ўчириш! Буни учун шўро дохийлари муносиб Муқбил... узр, Мақбул тошотарларни топган, тарбиялаган, хизматлари овозига уларга унвону нишонлар берган...

Юқоридagi Аёз ҳақидаги ривоятдан парчани бежиз келтирмадик. Ўз даврида замона зайлига юриб, шахсий манфаатларини миллатдан, элгу юртдан устун қўйган, илдиздан айрилиб, оёғи ердан узилган айрим валлапатларга ибрат бўлса зора, дедик.

Кейинги йилларда юртимизда жадидлик ҳаракати намояндларининг пок номлари оқланиб, уларнинг кенг қўламли савобли ишлари изчил таҳлил қилинмоқда. Афсуски, ўша Мақбул тошотарларнинг издошлари озми-кўпми борлиги, улар пана-пасткамда қўйни тўла тош билан пайт пойлаб туришгани (мингирлаб юрганлари) учун огоҳлик маъносиди ушбу битикларни қоралади.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

- Кўзингизга қарамайсизми!
- Ўзингиз-ку, келиб урилган!
- Кўчининг ўртасида турасизми?!
- Менга қаранг. Исмнингиз нима?
- "Жорж". Нима эди?
- Менинг бир дўстим бўлар эди, Журакул деган. Шунга ўхшаб кетар экансиз.
- Тўхта-тўхта. Умаралимисан?!

Саид Аҳмад, Алп Жамол, Эргаш Каримов, Элбек Мусаев каби ижодкор адибларимиз жамият ҳаётида бўладиган ишларни 40-50 йил олдиндан кўра билган назаримда. Бўлмаса, ҳаммамизга маълум ва қанча кўрсак қайта-қайта кўрадиганимиз "Учрашув" номли ҳажвий фильмлар жамланмасидаги юқоридagi каби воқелик орқали бугунги кунда урчидиган ижтимоий иллатларни гўзал юмор тарзида баён этмас эдилар.

Ижтимоий тараққиёт давомда мавжуд соҳаларда ютуқларга эришган, илм-фанга қўшган ҳиссаларига қараб айрим шахсларга исларининг ёнига "куня – лақаб" берилган. Бу "куня – лақаб"лар барча томондан тан олинган, эътироф этилган. Форобий, Беруний, Ибн Сино каби алломаларимизни эслашнинг ўзи кифоя.

Бугунги кунда эса худдики, одамларимиз ўз исларидан уялаётгандек тасаввур уйғотди.



Бунга айримларнинг исми қолиб, одамлар бошқа ном билан аташларини хоҳлаётганликлариди кузатамиз.

Тадбирдан кейинги суҳбатдан: - Шу расмларни менга телеграмдан ташлаб бера оласизми?

- Албатта!

- Телеграмга "ВОТА" деб ёзсангиз, менинг жанрангдор "НИК"(ном)им чиқади!

- Исмнингиз Ботир-ку. Ботир деб ёзсам, чиқмайди-ми?

- Йўқ, мени ҳамма "ВОТА" деб билишини ва шундай чақиринишни истайман.

- Шунга ўрнига "Бўтка" деб қўймабсизда "НИК"-ингизни.

- Нега?

- Янада жанрангдор, ҳаммага тушунарли ва му-

ИСМИМИЗДАН НЕГА УЯЛАМИЗ?!

ҳими ўзбекча бўларди.

Ижтимоий тармоқлар орқали ўзини кўрсатиш, ном чиқариш учун айрим йигит-қизларимиз исми қолиб турли "НИК"лардан фойдаланишмоқда. "mitti.me", "Dili.me", "Iili", "Seylisha", "Sardor gangster", "Bonamur" ва ҳоказо.

Ўша машҳур "Учрашув"га қайтсак. Эргаш Каримов "Саримсоқпёз" тилидан "...шунча ишлаб "Шафтоли қоқи", "Бурунбой", "Қизилиштон", "Новча", "Уламасоч", "Шу-шу домла" кимлигини билмасангиз. Омон бўлинг-е, омон бўлинг-е", дея кесатади Роза Каримова – "Лампа шиша"ни.

Юқоридagi номлари муайян "НИК"лар асосида дарж этилган одамларимизни халқимиз қандай номлар билан атаса...

...Бугун аксарият йигит-қизлар, баъзан катталар ҳам санъатда яратилган гўзал ижод намуналарини тақлидан қайта жонлантириб, обрў қозонишга ҳаракат қилмоқда. Бу жараён шунчалик урчиб кетдики, оқибатда жамиятда санъатнинг "бачканабозлик", "тутуруқсизлик", "бетайинлик" каби оммавий кўринишлари пайдо бўлмоқда. Бу жиҳатлар "истеъдоднинг янги кўриниши" сифатида ТВдаги айрим кўрсатувларда ҳам акс эттирилмоқда.

Халқ оммасига тақдим этилаётган сериаллар ҳам Фарбага тақлид сифатида ишланмоқда. Асосан оилавий муаммоларга бағишланган сериалларимизда эр-хотин муносабатларида очиклик, ошкоралик биринчи даражага олиб чиқилаёттир. Эрининг жазмани бор, хотиннинг хуштори. Шу сабабдан 16+, 18+ каби белгилар кўпайиб кетди.

Оила даврасида, бола-чақа билан телевизор кўришга ҳам хижолат бўласан. Бирор бир шармсиз ҳолат пайдо бўлиб қолмасин, деб.

Энг ажабланарли томони шуки, ўз исмидан уялиб, турли "НИКНЕЙМ"лар ортига беркинган аксар ёшлар омма олдида тутуриқсиз қилиқлар қилишдан ҳаё қилишмаяпти.

Баҳром БОЙМУРОДОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси
Фейсбук

Jadid logo and various institutional affiliations including: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Миллий масс-медиа ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Шаҳидлар хотираси" жамоат фонди, Бош муҳаррир: Иқбол Мирзо, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: Хумоюн Акбаров, Масъул котиб: Шухрат Азизов, Навбатчи муҳаррир: Дилмурод Дўстбеков, Саҳифаловчилар: Эркин Ёдғоров, Нигора Тошева.

Manzilimiz: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефонлар: Қабулхона: (71) 203-24-20, Девонхона: (97) 745-03-69, jadidgazeta@mail.ru (71) 203-24-17, jadid_gazetasi@exat.uz. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21:00, Босишга топширилди: 21:30, Сотувда нархи эркин. Jadid media.uz logo and QR code.